

Обиджон МИРҲАМИДОВ

**ҲАЛОЛ КАСБ-ҲУНАР –
ҚУТ-БАРАКА
КЕЛТИРАР**



Тошкент
2018

УЎК 28:689-055.1

КБК 86.38

М 53

Ушбу мўъжазгина рисола инсонни ҳалол касб-ҳунар билан шуғулланишига, фаровон ҳаёт кушандаси бўлган дангасалик, боқимандалик, тамагирлик каби иллатлардан сақланишига чақиради. Шуниндек, китобда касб одоблари ҳақида сўз юритилиб, боболаримизнинг мавзуга оид пурҳикмат ўғитлари келтирилди.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Мирҳамидов, Обиджон.

Ҳалол касб-ҳунар – қут-барака келтирар [Матн] / О. Мирҳамидов. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2018. – 68 б.

КБК 37.27

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 5 июндаги 3181-сонли хулосаси асосида нашрга тайёрланди.

ISBN 978-9943-12-542-1

© Обиджон Мирҳамидов,
© “Movarounnahr”, 2018

МУҚАДДИМА

Аллоҳ таолога беадад шукрки, кўхна тарихимиз, бой меросимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб, кундан-кунга меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумба-шарий қадриятлар, ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси қалбимизнинг туб-тубидан ўрин олмоқда. Дарҳақиқат, юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг катта ўзгаришлар юз берди. Хусусан, ўзлигимизни акс эттирган миллий қадриятларимиз ва аждодларимиз қолдирган олтин меросга бўлган эътибор ортди. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ маънавий ҳаётни ривожлантиришга катта эътибор берилди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда ҳар қадамда юрт фаровонлиги, инсон манфаатларига қаратилган иш-хотлар ва иқтисодиётнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ишларга кўзимиз тушмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан ҳар бир йилга махсус ном берилиб, йилга монанд соҳага алоҳида эътибор қаратиш анъанага айланган. 2018 йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб номланди. Мазкур ном билимдон, оқил, узоқни кўра оладиган ва улуғ аждодлари йўлидан бораётган раҳбарнинг халқ фаровонлиги, бахту саодатини ўйлаб амалга ошираётган ишларини ривожлантиришда бир омил бўлди, десак хато бўлмайди. Ҳеч кимга сир эмаски, юртимиз раҳбари

томонидан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегияси» ишлаб чиқилган. Фаол тадбиркорлик ва инновацион ғоялар ушбу йўналишнинг асосларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз келажагининг мустаҳкам пойдеворини қуриши учун амалга оширилаётган бу каби ислоҳотлар, ўз навбатида, бизнинг зиммамизга эртанимиз эгалари бўлган фарзандларимизни чуқур салоҳиятли, билимли, ўз касбининг усталири қилиб тарбиялашни юкламоқда. Албатта, миллатимизнинг одоб-ахлоқи муқаддас динимиз таълимоти асосида шаклланган десак, муболаға бўлмайди.

КАСБ ВА РИЗҚ

Касб ва ризқ мўмин-мусулмонлар орасида жуда кўп баҳсларга сабаб бўлган масалалардан бири. Зотан, бу икки мавзу бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Банда ризқни касб қилишга қандай муносабатда бўлиши кераклиги доимо уламоларни ўйлантириб келган. Бунга олимлар ҳар асрда қайта-қайта мурожаат қилишган. Ҳатто ақида масалалари ёритилган китобларда ҳам касб ва ризқ сўзларига турлича таърифлар берилган.

Дунёдаги барча жонзотларнинг ризқи Аллоҳ таоло томонидан белгилаб, тақсимлаб қўйилган. Инсонлар ҳам, бошқа жонзотлар ҳам ўз ризқидан ортиғини ёки камини олмайдилар. Барча тақсимланган ризқнинг охириги томчисю, ушогача еганидан кейингина дунёдан ўтади. Бу ҳақиқатни Сўфи Аллоҳёр ҳазратлари “Саботул ожизин” номли китобида бундай зикр қилган:

*Қидирғон бирла ризқинг қатра тошмас,
Кетар қадринг, қадардан ҳаргиз ошмас.*

“Ҳидоятут толибийн шарҳу саботул ожизин” китобида бу байтга қуйидагича шарҳ берилган: “Қидирган, ризқ орқасидан ҳар тарафда юрган ва талаш этган билан ризқинг тўлиб-тошмас ва зиёда бўлмас. Ва ё ҳар қанча ахтарган бирла ризқинг кадри (қозони) тўлиб-тошмас ва кўпаймас. Халқ олдида иззату ҳурматинг, қадринг кетар. Лекин қадардан (тақдирда ёзилган ва тақдир этилган ризқдан) ҳаргиз ошмас”.

Баъзилар бундай дейишади: “Аллоҳ таоло ҳамма нарсанинг қадарини белгилаб қўйган

бўлса, касбнинг нима кераги бор?” ёки “Аллоҳ таолога таваккал қилиб ётаверсак ҳам, Раббимиз ризқимизни беради. Таваккал дегани сабаб ахтармасдан, тадбир кўрмай, чора изламай, Аллоҳга ишониш ва суянишдир. Кимки чора ёки восита изласа, Аллоҳга ишонмаган, Унга суянмаган бўлади”. Минг афсуски, улар адашганлар каби исломий ақидаларни тушунишда тойилишади.

Келинг, бу масалани теран англаб етиш учун уламоларимизнинг касб ва ризқ ҳақидаги таърифларини ўрганиб чиқайлик.

“Касб” сўзи луғатда қўлга киритмоқ, меҳнат билан маблағ топиш, ютуқ ва маош каби маъноларни ифода этади.

Уламолар истилоҳида эса мақсадни ҳосил қилиш учун саъй-ҳаракат қилиш ва сабаб бўлувчи воситаларни ишга солишга касб дейилади.

Бошқа таърифда: “Манфаат жалб қилишга ёки зарарни даф қилишга олиб борувчи амал касбдир”, дейилган.

“Ризқ” сўзи луғатда улуш, инъом маъноларини англатади.

Уламолар истилоҳида эса Аллоҳ таоло жонзотларга етказган ва улар истеъмол қилган нарса ризқ деб аталади.

Яна бир таърифда: “Аллоҳ таоло одамлар ва ҳайвонлардан иборат махлуқотларига берган ва улар манфаат олган дунёвий ва ухровий ҳар бир нарса ризқдир”, дейилади.

Демак, юқоридаги таърифлардан маълум бўладики, одамлар ва ҳайвонлар истеъмол қилган барча нарса ҳалол ёки ҳаром бўлсин, ризқ ҳисобланади.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Агар ризқ Аллоҳ таоло томонидан ато қилинса, У зот ато қилган нарсани ҳаром дейиш мумкинми? Уламоларимиз бу саволга қуйидагича жавоб беради. Аллоҳ таоло ато этган ризқ ҳаром бўлмайди. Ман қилинган йўл орқали топилган, истеъмол қилинган дунё ва охиратда инсонга зарар келтириши маълум бўлган ризқ ҳаром дейилади. Чунки борлиқдаги барча нарса Аллоҳнинг мулкидир. Аллоҳ Ўз мулкидан хоҳлаганига беради. Агар ҳаром нарса ризқ дейилмаса, умри давомида фақат ҳаром йўл билан мол топиб еган одамга ризқ берилмаган бўлиб қолади. Аллоҳ таоло ҳар бир жонзотнинг ризқини Ўзи бериши қуйидаги оятда баён қилинади:

﴿ وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رِزْقُهَا وَيَعْلَمُ مُسْتَقَرَّهَا
وَمُسْتَوْدَعَهَا كُلٌّ فِي كِتَابٍ مُبِينٍ ﴾

«Ерда ўрмаловчи бирор нарса (жонзот) йўқки, унинг ризқи (таъминоти) Аллоҳнинг зиммасида бўлмаса! (У) унинг қароргоҳини ҳам, оромгоҳини ҳам билур. Ҳаммаси аниқ Китоб (Лавҳул-маҳфуз)да (ёзилган)дир» (Худ сураси, 6-оят).

Ер юзидаги барча – одамзот, ҳайвонлар, ҳашарот, қурт-қумурсқа ва бошқа тирик мавжудотлар жонзотлар ҳисобланади. Аллоҳ таоло барча жонзотларнинг ризқини Ўз зиммасига олган. Уларнинг ягона яратувчиси Ўзи бўлгани каби ризқини ҳам берувчи Аллоҳдир.

Ҳаром ҳам Аллоҳ таоло томонидан берилган ризқ экан, нега уни еган одам жазо олиши керак,

деган саволга қуйидагича жавоб берилади. Ҳаромни еган одам уни танлагани учун жазоланади. Чунки Аллоҳ таоло жонзотларнинг барчасига ризқни ваъда қилган ва бандаларга уни ҳалол йўл билан топишни буюрган.

Қуръони каримнинг Бақара сурасида бундай марҳамат қилинади:

﴿يَأْتِيهَا النَّاسُ كُلُّوْا مِمَّا فِي الْأَرْضِ حَلَالًا طَيِّبًا﴾

«Эй одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан тановул қилингиз...» (Бақара сураси, 168-оят).

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُلُّوْا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَأَشْكُرُوا لِلَّهِ

إِنْ كُنْتُمْ ءِآيَاهُ تَعْبُدُوْنَ ﴿١٧٢﴾

«Эй имон келтирганлар! Аллоҳгагина ибодат қилувчи бўлсангиз, сизларга Биз ризқ қилиб берган покиза нарсалардан еб, Унга шукр қилингиз!» (Бақара сураси, 172-оят).

Оятда бандаларга ризқ берган Зот – Аллоҳга шукр қилиш зарурлиги таъкидланмоқда. Мўмин Аллоҳнинг амрига биноан фақат пок нарсаларни ейиши лозим. Бу илоҳий буйруқ унинг фойдаси учун айтилган. Пок озуқа билан озиқланган одам соғ-саломат бўлади. Ҳатто истеъмол қилгани учун ажр ва савобларга эришади. Аллоҳ таоло ундан рози бўлади.

Аммо банда шайтон ва нафсига эргашиб, ризқни ҳаром йўл билан топишга уринса ҳам, Аллоҳ таоло ризқни бераверади. Лекин буйруғини бажармасдан ман этилган йўлни танлагани

учун жазога гирифтор қилади. Шунинг учун ҳаром еган банда Аллоҳ таоло берган ризқни егани учун эмас, балки У зотнинг буйруғини бажармасдан, шайтонга эргашгани учун жазоланади.

Баъзилар ҳаётни ризқ учун курашдан иборат, деб ўйлайдилар. Ризқни ўзимиз топяпмиз, деб даъво ҳам қилишади. Чунки улар Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятини билишмайди:

﴿ وَكَأَيِّن مِّن دَابَّةٍ لَّا تَحْمِلُ رِزْقَهَا اللَّهُ يَرْزُقُهَا وَإِيَّاكُمْ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴾

«Ўз ризқу рўзини кўтара (топа) олмайдиган қанчалаб жонзотлар бордир. Аллоҳ уларга ҳам, сизларга ҳам (ўз хазинасидан турли йўллар билан) ризқ берур. У эшитгувчи, билгувчидир» (Анкабут сураси, 60-оят).

Одамлар кўпинча касби ортидан берилган мол-дунё уларнинг қўлида омонат эканини унутишади. Бир куни Жаброил (алайҳиссалом) инсон суратига кириб, Иброҳим (алайҳиссалом) дан сўради:

– Бу қўйлар кимники? Менга уларни сотмай-сизми?

– Қўйлар Раббимники. Ҳозирча менинг қўлимда омонат, – дедилар ҳазрат Иброҳим (алайҳиссалом).

Демак, ҳар бир инсоннинг касб қилиб топган мол-дунёси унинг қўлида омонатдир. Аллоҳ таоло касбини сабаб қилиб уни ризқлантиради.

Баъзилар гўё уларнинг ризқини бошқалар еб қўяётгандек, норози бўлишади. Бу борада «Ақидатун Насафия»¹ китобида бундай дейилади: “Ҳар бир инсон ўз ризқини тўла олади. Бирор инсон ўз ризқини емади ёки униқини бошқа киши еб қўйди, деб тасаввур қилинмайди”.

Аллоҳ ризқларнинг миқдори, кайфияти ва унинг вақтини Лавҳул Махфузда белгилаб қўйган. Банда тақсимланган ризққа турли сабаблар орқали эришади. Масалан, қорнимизни тўйдириш учун таомга эҳтиёжимиз бор. Таом – тўйишимиз учун сабаб ҳисобланади. Биз унга ўз меҳнатимиз, касбимиз орқали етишамиз. Умар (розияллоҳу анҳу) бундай деган: “Аллоҳ таоло ризқ беради, деб касбдан қўлларингизни тортманглар. Аллоҳ тилла ва тангани осмондан ёғдирмайди”.

Аллоҳнинг халқ қилиш яратиш қудрати ҳақдир, бандадан эса касб қилиш талаб этилади. Демак, ризқни Аллоҳ таоло яратади, инсон эса касби орқали насиб қилганича олади. Мусулмон киши ҳалол меҳнат қилади, касб-хунар билан шуғулланади ва унинг ортидан келган ризқни Аллоҳ таолодан деб билади.

¹ Муаллифи – Абу Ҳафс Умар Нажмиддин Насафий (х. 462–537/м. 1068–1143) йилларда яшаб ижод этган. У зот буюк олим, ҳанафий мазҳаби фақиҳи, муфассир, муҳаддис, муаррих, аҳли суннанинг ақоид илми имомларидан бири. «Ақидутун Насафия» («Насафий ақидаси») асари ғоятда машҳур ва ақида борасидаги асарларнинг мўътабарларидан саналади. Мазкур рисоласи кичик ҳажмда бўлишига қарамай, 9 асрдан бери аҳли сунна вал жамоа ақидаси бўйича энг машҳур қўлланмалардан бири вазифасини бажариб келмоқда.

КАСБ ҚИЛИШДА ИНСОНЛАРНИНГ МАРТАЛАРИ

Одамлар касб қилишда беш тоифага бўлинадилар. Уларнинг баъзилари ризқни касбдан деб билиб, кофир бўлади. Бошқалар эса ризқни ҳам Аллоҳдан, ҳам касбдан деб билади. Бу тоифа кишилар мушрик ҳисобланади. Яна бошқалар ризқни Аллоҳ таолодан деб билади. Лекин уни бериши ёки бермаслигида гумон қилади. Бундай шак қилувчи киши мунофиқдир. Яна баъзилар ризқни Аллоҳ таолодан деб, уни касб жиҳатидан ато этилади, деб эътиқод қилади. Аммо Аллоҳ таоло амр қилганидек, топган мол-дунёсининг ҳақини адо қилмайдиган киши гуноҳқордир. Баъзилар ризқни Аллоҳ таолодан деб ишонади. Ризққа касб сабаб эканини билади ва Аллоҳ таолонинг буйруғига мувофиқ мол ҳақини чиқаради. Касби туфайли ибодатни тарк қилиб гуноҳқор бўлмайди. Ўша киши комил мўминдир.

Инсон дунёда яшар экан, бошқалар билан ўзаро муомалада бўлишга мажбур. У ҳаёти давомида бошқалар билан қандай муомалада бўлиш ва ижтимоий алоқаларни ўрганишга муҳтож бўлади. Чунки ҳар бир шахс доимо жамият билан узвий боғланган алоқалар орқали ҳаёт кечиради. Киши ёлғиз ўзига керакли нарсаларни муҳайё қилолмайди ва эҳтиёжларини қондиrolмайди. Бошқаларнинг меҳнати, ҳунари, маҳорати ва бошқа хусусиятларидан фойдаланишга мажбур бўлади. Бемор табибга, нон емоқчи бўлган новвойга,

кийим-кечакка муҳтож одам тикувчи ёки савдогарга мурожаат қилишга мажбур.

Хуллас, дунёда ҳамманинг бир-бирига иши тушади. Мисол учун, бир киши ёлғиз ўзи қандай қилиб деҳқончиликни уддалай олади? Унга иш қуроли ва асбоб-анжом керак. Иш қуроли ва асбобларни яшаш учун темирчи ва дурадгор зарур. Қорни очиб қолганда овқатланиб олиш учун ошпаз ва новвойлар керак. Шунинг учун инсон бир ўзи яшай олмайди, улар жамоаларга бўлинган ҳолда ҳаёт кечирадилар.

Ўз навбатида, ҳар бир инсон касби, қўлидан келадиган иши билан бошқаларнинг ҳожатини раво қилади. Одамлар ўз меҳнатларини ёки ўз мол-мулкларини эвазсиз бир-бирларига бермайдилар. Бунинг ўрнига муносиб бирор нарса бериш керак бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир инсон хизмати эвазига ҳақ олиши табиий ҳолга айланган. Аллоҳ таоло одамлар орасида савдо-сотик муомаласини жорий қилишининг ҳикмати ҳам шунда, десак хато бўлмайди.

Инсон дунёда ҳаёт кечирishi учун ризқ талаб қилиши керак. Бунда ҳар кимга ўз билими ва касб-ҳунари қўл келади. Шу воситаларни ишга солиб пул, мол-дунё топади ва ўз эҳтиёжларини қондиради.

Инсон ҳаёти фаровон бўлишининг шартларидан бири ҳалол касб-ҳунар билан шуғулланишидир. Касб-ҳунарли бўлиш ҳақидаги аждодларимизнинг ҳикматли сўзлари орқали киши ялқовлик, дангасалик ва тамагирлик каби иллатлардан сақланиши кераклиги тушунилади.

Ризқ талабида касб билан шуғулланиш инсон ҳаётидаги доимий ва зарурий ишлардан бўлгани учун Қуръони карим оятлари ва Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг суннатларида, улуғларимиз ҳикматларида ва шариат аҳкомларида бу амалга алоҳида аҳамият берилган.

Ҳатто жума куни ҳам дам олмасдан, меҳнат қилиш ва ризқ қидириш мумкинлиги ҳақида Қуръони каримнинг Жумъа сураси 10-оятида бундай марҳамат қилинади:

﴿ فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَانْتَشِرُوا فِي الْأَرْضِ وَابْتَغُوا مِنْ فَضْلِ اللَّهِ ﴾

«Бас, қачонки, намоз (жума намоз) адо қилинган, ер юзи бўйлаб, Аллоҳнинг фазли (ризқ)дан истайверингиз!»

Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни жума намозини адо қилгандан сўнг ҳалол йўл билан ризқ топишга тарғиб қилмоқда. Уларни касб билан шуғулланишга ундамоқда. Буни эса Аллоҳ таолонинг фазлини талаб қилиш, деб номламоқда. Мазкур оятдан кишининг ибодатга зарари етмайдиган даражадаги ҳалол касб билан шуғулланиши шаръан маҳбуб ишлардан экани маълум бўлади.

Бошқалардан беҳожат бўлиш учун меҳнат қилиш ва ризқ қидириш борасида Аллоҳ таоло Мулк сураси 15-оятида ҳам марҳамат қилган:

﴿ هُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ ذُلُولًا فَامْشُوا فِي مَنَاكِبِهَا وَكُلُوا مِنْ رِزْقِهِ ۗ وَإِلَيْهِ النُّشُورُ ﴾

«У (Аллоҳ) сизларга Ерни хоксор (бўйсунувчи) қилиб қўйган Зотдир. Бас, унинг ҳар томонида (саёҳат, тижорат ёки деҳқончилик қилиб) юраверингиз ва (Аллоҳнинг берган) ризқидан тановул қилингиз! (Қиёмат куни) тирилиб чиқиш Унинг ҳузуригадир».

Динимизда иккинчи манба ҳисобланган Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг касб-ҳунарга чорловчи ҳадисларини ўргансак, мақсадга мувофиқ бўлади.

عَنْ الْمُقَدَّامِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَا أَكَلَ أَحَدٌ طَعَامًا قَطُّ خَيْرًا مِنْ أَنْ يَأْكُلَ مِنْ عَمَلِ يَدِهِ، وَإِنَّ نَبِيَّ اللَّهِ دَاوُدَ عَلَيْهِ السَّلَامُ كَانَ يَأْكُلُ مِنْ عَمَلِ يَدِهِ. رَوَاهُ الْإِمَامُ الْبُخَارِيُّ

Миқдам (розияллоҳу анҳудан) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Ҳеч ким ўз қўли билан топган ризқдан кўра лаззатлироқ таом емаган. Аллоҳнинг пайғамбари Довуд (алайҳиссалом) ҳам ўз қўллари билан тирикчилик қилган”**, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِأَنَّ يَحْتَتَبَ أَحَدُكُمْ حُزْمَةً عَلَى ظَهْرِهِ خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَسْأَلَ أَحَدًا فَيُعْطِيَهُ أَوْ يَمْنَعَهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Бирортангиз елкасида бир боғ ўтин териб**

келиши унга берса-бермаса, бировдан тиланганидан яхшидир», дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «خَيْرُ الْكَسْبِ كَسْبُ يَدِ الْعَامِلِ إِذَا نَصَحَ». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Касбларнинг яхшиси қўл меҳнати билан қилинадиган касбдир, агар холис бўлса”**, дедилар» (Имом Аҳмад ривояти).

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ أَطْيَبَ مَا أَكَلَ الرَّجُلُ مِنْ كَسْبِهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Кизи тановул қилган нарсанинг энг покизаси ўз касбидан еганидир”**, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларини, улар мисолида бутун умматларини пешона тери билан кун кечиришга ундар ва касб-ҳунар орқали тирикчилик қилишга чақирардилар.

عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جُعْتُ مَرَّةً بِالْمَدِينَةِ جَوْعًا شَدِيدًا، فَخَرَجْتُ أَطْلُبُ الْعَمَلَ فِي عَوَالِي الْمَدِينَةِ، فَإِذَا أَنَا بِامْرَأَةٍ قَدْ جَمَعَتْ مَدْرًا، فَظَنَنْتُهَا تَرِيدُ بَلَّهُ، فَأَتَيْتُهَا فَقَطَّعَتْهَا كُلَّ ذَنْوِبٍ عَلَى تَمْرَةٍ، فَمَدَدْتُ سِتَّةَ عَشَرَ ذَنْوِبًا حَتَّى مَجَلَّتْ يَدَايَ، ثُمَّ

أَتَيْتُ الْمَاءَ فَأَصَبْتُ مِنْهُ، ثُمَّ أَتَيْتُهَا فَقُلْتُ بِكَفَيَّ هَكَذَا بَيْنَ يَدَيْهَا،
فَعَدَّتْ لِي سِتَّ عَشْرَةَ تَمْرَةً، فَأَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
فَأَخْبَرْتُهُ، فَأَكَلَ مَعِيَ مِنْهَا رَوَاهُ أَحْمَدُ

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: *“Бир кун Мадинада жуда қаттиқ оч қолдим, Мадина кўчаларига чиқиб иш қидирдим. Бир аёл қаттиқ лой тўплаб қўйибди. Уни юшатмоқчи бўлса керак, деб ўйладим. Унинг олдига бордим ва ҳар бир челақ сув учун биттадан хурмога келишдим. Унга ўн олти челақ сув ташиб, қўлларим қавариб кетди. Сўнгра аёлнинг олдига бордим. Унга кафтимни кўрсатдим. У менга ўн олти хурмо санаб берди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларига бориб, бу ҳақда айтган эдим, у зот мен билан бирга ундан едилар”* (Имом Аҳмад ривояти).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: ... فَأَمَدَّهُمْ بِسَبْعِينَ مِنَ الْأَنْصَارِ
كُنَّا نُسَمِّيهِمُ الْقُرَّاءَ فِي زَمَانِهِمْ كَانُوا يَحْتَطِبُونَ بِالنَّهَارِ وَيُصَلُّونَ
بِاللَّيْلِ... رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: *«...Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларга ансорлардан етмиш нафарини ёрдамчи куч қилиб бердилар. Ўша пайтда биз уларни “қорилар” деб атаар эдик. Улар кундузлари*

Ўтин териб, кечалари намоз ўқишар эди...»
(Имом Бухорий ривояти).

Ҳадисга эътибор қаратсак, ансорлардаги улуғ сифатни кўрамыз: улар кундузи ўтин териб, меҳнат қилишарди. Уларнинг ҳаммалари қорилар, яъни Аллоҳ таолонинг Китобини ёд олган эдилар. Меҳнат уларнинг ибодатларига халақит бермагани кўриниб турибди. Чунки Қуръони каримни ёдлаш ҳам осон иш эмас.

Абдуллоҳ Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) айтади: “Ибодат ўн жуздир: тўққизтаси касбда, биттаси намоз ва рўзада” деди (Имом Дайлабий ривояти).

Абу Нуайм Асфahонийнинг «Хулятул-авлиё» асарида келтирилган: “Аллоҳ таолонинг йўли ўн қисмдир. Унинг тўққиз қисми ҳалол ризқни талаб қилишдадир. Биттаси эса қолган ишлардадир. Мўминга лойиқ ва муносиби шуки, ҳалол молни талаб қилади, ҳаром ва шубҳадан тийилади, ибодатнинг қабул бўлмоғи тақво биландир”.

Молик ибн Динор Тавротда: “Қўли билан меҳнат қилиб еган одамнинг ҳаётида ҳам, вафотида ҳам саодат бўлсин”, деган жумлаларни ўқиганини айтади.

Улуғларимиз айтадилар: “Касб қилиш авлиёларнинг суннатидир”. Касб билан инсон ўз аҳволини яхшилайдди.

Демак, юқоридагилардан маълум бўладикки, инсоннинг ўз қўл меҳнати билан ҳалол ризқ топиши энг яхши амаллардан биридир.

ПАЙҒАМБАРЛАР БИЗ УЧУН ЎРНАК

Аллоҳ таоло инсонни яратди, табиатига очлик, ташналикни қондириш, бошпана қуриш, уйланиш кабиларни жойлади. Бу эҳтиёжларини қондириш билан бирга Ўзига ибодат этишни ҳам талаб қилди. Бу амалларни адо этишда намуна ва ўрнак қилиб пайғамбарларни юборди.

Пайғамбарлар башарият орасидан танлаб олинган ва халққа ибрат қилинган зотлардир. Улар ҳам ризқларини ҳалол йўл, касб билан шуғулланиб, меҳнат қилиб топишган. Ризқ Аллоҳ таолодан эканини билиб туриб ҳам бекор ўтиришмаган. Инсонлар орасига қанча пайғамбар ва расуллар юборилган бўлса, барчалари ҳалол ризқ топиш учун қайсидир касбнинг соҳиби бўлдилар. Ривоятлардан маълум бўлишича, Одам (алайҳиссалом) биринчи бўлиб ерга буғдой эккан, уни суғориб парвариш қилган ва ўриб нон пиширган. Идрис (алайҳиссалом) тикувчи ва хаттот, Нух ва Закариё (алайҳиссалом)лар дурадгор, Худ, Солих, Шуъайб (алайҳиссалом)лар тижоратчи, Иброҳим (алайҳиссалом) баззоз (газмол сотувчи), Мусо (алайҳиссалом) чўпон, Довуд (алайҳиссалом) темирчи (совут ясовчи) бўлишган. Сулаймон (алайҳиссалом) эса хурмо дарахти барглари билан сават тўқиган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тижоратчи, ёшлик вақтларида эса чўпонлик қилганлари ривоятларда келтирилган. Пайғамбарларнинг барчаси ўз касблари ва меҳнатлари билан рўзғор тебратишган.

Хуллас, бирор касб билан тирикчилик ўтказиш, рўзғор тебратиш инсониятдаги аслий фитратдир.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Аллоҳ юборган ҳар бир набий, албатта, қўй боққандир”, дедилар. “Сиз ҳамми?” дейишди саҳобалар. “Ҳа, қийротлар² учун Макка аҳли қўйини боққан эдим,” дедилар».**

Пайғамбарлар энг маҳбуб ва энг тўғри йўлда юрган бандалардир. Аллоҳ таоло пайғамбарларига қўй боқишни раво кўрган экан. Биз паст назар билан қарайдиган шу касб билан ҳам ҳалол ризқ топиб яшаш мумкин экани, ундан уялмаслик кераклиги тушунилади.

Дунёда мавжуд касбларнинг баъзисини илк эгалари пайғамбарлар бўлишган. Мана шу касб эгалари фахрлансалар, арзийди.

ҲАЛОЛ КАСБ – БАРАКА ОМИЛИ

Динимизда одам боласи умр йўлини қандай босиб ўтиши чиройли тарзда баён қилинган. Инсон бу кўрсатмаларга амал қилса, қийинчиликларга дуч келмайди. Дунёда турмуши фаровон, ризқи мўл, обрўси баланд бўлиб, охиратда ҳам юксак мақомларга эришади. Шундай кўрсатмалардан бири ҳалол касб қилишдир. Албатта, ризқ талаб қилиш одамлар учун раҳматдир. Улар буни ўзларига ризқ етиб келгунча нафсларига таскин бериш учун қиладилар. Аммо бир нарсани унутмаслик лозим. Ислом шариати кўплаб жиҳатларни ислоҳ этгани каби, касб-ҳунарга боғлиқ

² Қийрот – динорнинг йигирма тўртдан бирига тенг.

муомалаларни ҳам тартибга солиб қўйган. Аллоҳ таоло ҳалол касб қилиш ва унинг ортидан фойда олиш йўллари кенг очиб берган. Зеро, мол тўплаш ва уни сарф қилишда Аллоҳнинг ҳукмларини билиш ўта муҳим, буларни билмаган киши ҳаромга аралашиб қолади. Чунки ношаръий йўллар ва восита-лар билан топилган нарсалар ҳаром ҳисобланади. Касб-ҳунар ёки бирор меҳнат билан шуғулланишда инсон, аввало, ишнинг ҳалоллигига эътибор бериши лозим. Чунки Аллоҳ таоло пок нарса-ларни тановул қилишга ва фақат пок нарсалардан эҳсон қилишга буюрган.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُلُوا مِن طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَاشْكُرُوا لِلَّهِ

إِن كُنْتُمْ إِتْيَاهُ تَعْبُدُونَ﴾

«Эй имон келтирганлар! Аллоҳгагина ибодат қилувчи бўлсангиз, сизларга Биз ризқ қилиб берган покиза нарсалардан еб, Унга шуқр қилингиз!» (Бақара сураси, 172-оят).

Оятдан кўриниб турибдики, Аллоҳ таоло бандаларини пок нарса ейишга буюрмоқда. Бу буйруқ У Зот яратган барча инсонларга, шунингдек, пайғамбарларга ҳам тегишлидир.

ҲАЛОЛ ЛУҚМА ИБОДАТ АСОСИ

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ اللَّهَ طَيِّبٌ لَا يَقْبَلُ إِلَّا طَيِّبًا وَإِنَّ اللَّهَ أَمَرَ الْمُؤْمِنِينَ بِمَا أَمَرَ بِهِ الْمُرْسَلِينَ فَقَالَ (يَا أَيُّهَا الرُّسُلُ كُلُوا مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَاعْمَلُوا صَالِحًا إِنِّي بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ) وَقَالَ (يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُلُوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ)». ثُمَّ ذَكَرَ الرَّجُلُ يُطِيلُ السَّفَرَ أَشْعَثَ أَغْبَرَ يَمُدُّ يَدَيْهِ إِلَى السَّمَاءِ يَا رَبِّ يَا رَبِّ وَمَطْعَمُهُ حَرَامٌ وَمَشْرَبُهُ حَرَامٌ وَمَلْبَسُهُ حَرَامٌ وَغُذِيَ بِالْحَرَامِ فَأَنَّى يُسْتَجَابُ لِذَلِكَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: **“Эй инсонлар, Аллоҳ таоло покдир. Фақат покни қабул қилади. У мўминларни расулларни буюрган нарсага амр қилган”,** деб қуйидаги оятларни ўқидилар. «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): (Пайғамбарларимизга шундай дедик): **“Эй пайғамбарлар! Пок (таом)лардан тановул қилингиз ва эзгу (иш) қилингиз! Албатта, Мен қилаётган ишларингизни билувчидирман”** (Муъминун сураси, 51-оят). **“Эй имон келтирганлар! Аллоҳгагина ибодат қилувчи бўлсангиз, сизларга Биз ризқ қилиб берган покиза нарсалардан енглар!..”** (Бақара сураси, 172-оят).

Сўнг узоқ сафарга чиққан, сочлари тўзғиб, усти чанг бўлиб кетган кишини зикр қилдилар. У киши қўлларини кўкка чўзиб: **“Эй Раббим! Эй раббим!”** деб дуо қилмоқда. Бироқ унинг

егани ҳаром, ичгани ҳаром, кийими ҳаром, ўзи ҳаром билан озиқланган. Қандай қилиб унинг дуоси ижобат бўлсин?!», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Мазкур ҳадис Исомнинг улкан қоидаларига асос, ҳалол билан озиқланиб, ҳаромдан четланиш борасида ҳужжатдир. Мустаҳкам жамиятни қуришда энг фойдали ҳамда хайрли қўлланма саналган ҳадислар сирасига киради. Шу ҳадис асосида бунёд бўлган жамиятда яшаётган мўмин ўзи хоҳлаган яхшилиқни биродарига ҳам тилайди. Ўзидан нари қилган ёмонликни биродарига ҳам раво кўрмайди. Агар шариат аҳкомларига тўла-тўқис бўйсуниб, ҳалол-покиза неъматларга қаноат қилинса, барча тинч ва осуда яшайди.

«Аллоҳ таоло фақат пок нарсанигина қабул қилади» жумласи амаллар, ниятлар, сўзлар, ҳатто этиқодга ҳам тааллуқли саналади. Раббимиз ҳузурида фақат ҳалол молларгина мақбулдир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳалол касб қилиб топилган моллардан садақа – эҳсон қилишга буюрганлар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: **“Эй инсонлар! Аллоҳ таоло пок Зотдир. У фақат покиза амалларнигина қабул этади”**.

Ибн Ражаб Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: **“Аллоҳ фақат покиза амалларнигина қабул этади”** деган сўзларининг шарҳида айтади: **“Мўминнинг қалби, тили ва танаси пок бўлади. Унинг қалбида имон ўрнашган, тили зикр билан машғул. Аъзолари билан эса имон самараси саналган ва имон исмига кирувчи солиҳ амалларни адо этади”**.

Хайрия ишларда эҳтиёжмандларга эҳсон қилишда ўша инфоқ қилинадиган мол-мулк ҳалолдан бўлиши қатъий уқтирилади. Бу борада Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади:

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْفِقُوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا كَسَبْتُمْ وَمِمَّا أَخْرَجْنَا لَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ وَلَا تَيَمَّمُوا الْخَبِيثَ مِنْهُ تُنْفِقُونَ وَلَسْتُمْ بِآخِذِيهِ إِلَّا أَنْ تُغْمِضُوا فِيهِ ۚ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ غَفِيرٌ حَمِيدٌ ﴾

«Эй имон келтирганлар! Ўз қўл меҳнатингиз ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсаларнинг яхшиларидан эҳсон қилингиз! Ўзингиз фақат кўзингизни чирт юмибгина оладиган даражадаги ёмон нарсаларни (эҳсон қилишга) танламангиз! Шунингдек, билингизки, албатта, Аллоҳ ғаний ва мақтовга лойиқ Зотдир» (Бақара сураси, 267-оят).

Банданинг амали қабул бўлиши унинг ҳалолпокиза неъматларни еб-ичишида катта ўрин тутади. Ҳаром луқмадан ҳазар қилмайдиган кимсанинг амали мақбул бўлмаслигига юқоридаги ҳадис далилдир. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қуръони каримдан оятлар келтириб, ушбу ҳақиқатни таъкидладилар. Яъни пайғамбарлар ҳам, уларнинг умматлари ҳам ҳалол еб-ичишга ва солиҳ амаллар қилишга буюрилгандир. Луқма ҳалол бўлса, амал дуруст бўлади. Модомики, еб-ичиш ҳаромдан экан, амал қандай қилиб мақбул бўлсин?!

Маълумки, киши касб қилиш орқали, аввало, ўзининг моддий эҳтиёжларини қондиради. Қолаверса, оила аҳлининг нафақаси, қарамоғидаги ки-

шиларнинг таъминотини амалга оширади. Аллоҳ таоло мўминларни ҳалол касб билан шуғулланишга, ҳаромдан ҳазар қилишга буюради. Инсон учун энг гўзал нарса ҳалол касб ҳамда ўз меҳнати эвазига топилган ризқдир. Зеро, ҳалол касб – барака омили. Ҳалол касб орқали ризқ талаб қилиш вожибдир. Турмуш обод бўлишининг асосий шартларидан бири ҳам ҳалол касб билан шуғулланишдир. Ҳатто шариатимизда ҳалол касб билан шуғулланиш фарз даражасига кўтарилади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «طَلَبُ كَسْبِ الْحَلَالِ فَرِيضَةٌ بَعْدَ الْفَرِيضَةِ» رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Ҳалол касб талаб қилиш фарздан кейинги фарздир”**, дедилар (Имом Байҳақий ривояти).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларида ҳалол ризқни талаб қилиш Ислом динининг биринчи ўринда турадиган фарзларидан кейинги фарз эканини баён қилдилар. Бу билан касбни динимизнинг асоси саналадиган Исломнинг беш рукнидан кейинги даражага тенглаштирмоқдалар.

Уламоларимиз бу ҳадисга қуйидагича шарҳ беришган: “Ҳалол касб ҳар доим жорий бўлиб турувчи фарздир. Барча фарзлар адо бўлганидан кейин ҳам фарз бўлиб туради”.

Ҳар бир мусулмонга ҳалол касб қилиш илмини ўрганиш вожибдир. Ҳалол меҳнат билан кун

кўриш юқорида таъкидланганидек пайғамбарларнинг суннатидир. Ҳаром, шубҳали йўллар билан топилган мол фитна-фасод кўзғалишига ва банданинг бошига турли бало-қазолар ёғилишига сабаб бўлади. Бундай бойлик эгалари тириклигида таънаю маломатлар, жазоларга йўлиқса, ўлганидан кейин қиёмат куни халойиқ олдида шарманда бўлади. Ўша куни барча қандай йўл орқали молдунё топгани ҳақида сўралади.

Улуғларимиз айтадилар: «Ҳалол меҳнат билан топилган ва хайрли ишларга сарфланган молдан кўра яхшироқ бойлик йўқ!»

Юқоридаги ҳадиси шарифдан бир неча фойдаларни ўрганиш мумкин. Аввало, ҳалол ризқ талаб қилиш қайси йўл билан бўлмасин, хоҳтижорат, хоҳ деҳқончилик бўлсин, корхона- заводда ишлаш, бирор даргоҳда муаллимлик қилиш билан бўлсин – барчаси диннинг бир бўлаги экани; намоз, рўза каби фарзлардан кейинги фарз экани, “берсанг, ейман, бермасанг, ўламан”, деб қўл қовуштириб ўтириш, кўчама-кўча тиланиб, дуч келганга қўл чўзиш Исломга зид, мусулмон кишига хос бўлмаган ишлардан экани маълум бўлади.

Аллоҳ таоло бизнинг зиммамизга Ўз ҳақлари каби хонадонларимиз аҳлларининг ҳақларини ҳам вожиб қилган. Бу ҳақлар эса ҳалолдан топиб, ҳалолга сарфлаш билангина адо этилади. Шу сабабли ҳар бир кишига ҳалол ризқ талаб қилиш, яъни ризқни ҳалол йўл билан топиш йўлини қидириш фарздир. Мана шу жойда олтин қоидалардан бирини айтиб қўйиш керак бўлади.

الْكَسْبُ فَرَضٌ بِقَدْرِ الْكِفَايَةِ لِنَفْسِهِ وَعِيَالِهِ وَقَضَاءٌ دُونَهُ

«Мўмин кишига ўзи, аҳли аёли ва қарзларини адо қилиш учун кифоя қиладиган миқдорча касб қилмоқ фарздир».

Шунингдек, инсонга ризқ талабида бўлишга ижозат берилган, ҳатто бу нарсага тарғиб этилади. Лекин инсон ҳаётининг асл мақсади Аллоҳ таолога бандалик, У билан боғланиш ва Унинг розилигини топишдан иборат. Шунинг учун ризқ талаб қиламан, деб Аллоҳнинг ибодатини тарк қилиш жоиз эмас. Биринчи даражали ибодатлар билан ризқ талаби тўқнаш келганида биринчи даражадаги фарзларни олдинга қўйиш керак.

Баъзи кишилар ҳалол ризқ талабининг ибодат эканини билганларидан сўнг ифрот ва тафритга (ҳаддан ошиш ёки нуқсонга) йўл қўйишади. Уларга намоз, рўза ҳақида гапирилса, “Биз ҳам ибодатдамиз, бизнинг қилаётган ишимиз ҳам улкан ибодат”, дейишади. Тўғри, у ҳам ибодат, лекин иккинчи даражадаги ибодат. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Ҳалол касб талаб қилиш фарздан кейинги фарздир”**, деган (Имом Байҳақий ривояти).

Динимиз ҳалол касб-ҳунар ортидан топилган мол-дунёни асло қораламайди. Ҳатто хайрия ишларида ҳам, бирор эҳтиёжмад инсонларга инфоқ қилишда ҳам мол-мулк ҳалол касб билан топилган бўлиши лозим. Зеро, Аллоҳ таоло Ўз йўлида қилинган инфоқни ҳалолдан бўлишига буюрган. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿يَتَائِبُهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنفِقُوا مِن طَيِّبَاتِ مَا كَسَبْتُمْ﴾

«Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан инфоқ-эҳсон қилингиз» (Бақара сураси, 267-оят).

Ризқ, касб, хайру эҳсон ва ҳалол-пок нарсаларни ишташ мақбул амаллардандир. Келган эслатмаларнинг барчаси инсониятни тўғри ҳаёт сари йўналтириш, дунёда турмушлари обод ва фаровон, охиратлари эса саодатли бўлишини таъминлаш учундир. Зеро, турмуш ободлигида ризқнинг ҳалолдан бўлиши ғоят муҳим ҳисобланади.

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: **“Агар банда ҳалолдан касб қилиб, ундан садақа ва инфоқ қилса, ажр ва баракотга эришади. Аммо ҳаромдан мол топиб, бу ишлар (садақа, инфоқ)ни қилса ёки у (топгани)ни ортидагиларга қолдирса, унга фақатгина дўзах олови зиёда бўлади. Албатта, Аллоҳ таоло ёмонликни ёмонлик билан эмас, яхшилик билан ўчиради”**» (Имом Ҳоким ривояти).

Аллоҳ таоло ҳалол луқмани ўзи яхши кўрган бандаларига бериши борасида бундай деган:

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: **“Аллоҳ таоло ораларингизда ризқларингизни тақсимлаб қўйганидек, ахлоқларингизни ҳам тақсимлаб қўйган. Аллоҳ дунёни суйган ва суймаган бандасига ҳам беради. Лекин динни суйган бандасига беради. Бас, кимга динни берган бўлса, уни яхши кўрибди. Банда ҳаром мол топиб, ундан инфоқ қилади. Лекин Аллоҳ унга барака бермайди. Ундан садақа қилади,**

қабул бўлмайди. Ортидан қолдиргани дўзахга олиб борувчи озуқаси бўлади. Аллоҳ ёмонликни ёмонлик билан эмас, балки ёмонликни яхшилик билан ўчиради»» (Имом Байҳақий ривояти).

Ҳар қандай шараф, обрўга жидду жаҳд, ҳалол меҳнат билан эришилади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ طَلَبَ الدُّنْيَا حَلَالًا اسْتَعْفَافًا عَنِ الْمَسْأَلَةِ، وَتَعَطُّفًا عَلَى جَارِهِ، وَسَعْيًا عَلَى عِيَالِهِ جَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَوَجْهُهُ مِثْلُ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ...»

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: **“Ким дунёни ҳалоллик, тиланишдан ифбатли бўлиш, аҳли (оиласи)ни боқиб, қўшнисига меҳр кўрсатиш учун талаб қилса, қиёмат кун юзи тўлин ойдек бўлиб келади...”**» (Исҳоқ ибн Роҳавайҳ ривояти).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: **“Сизлардан бирингиз оғзига ҳаром луқма солгандан тупроқ солганингиз яхшидир”**» (Имом Аҳмад ривояти).

Абу Лайс Самарқандий айтади: «Ким касби ҳалол бўлишини истаса, беш нарсани маҳкам тутсин. Биринчиси, касб боис Аллоҳ таолонинг фарзларидан бирортасини ортга сурмасин ва уларда нуқсонга йўл қўймасин. Иккинчиси, касб боис Аллоҳ таолонинг махлуқотларидан бирортасига озор бермасин. Учинчиси, касбида мол

жамлаш ва кўпайтиришни эмас, ўзи ва аҳли аёлининг иффатини сақлашни ният қилсин. Тўртинчиси, касб қиламан деб ўзини ортиқча қийнаб юбормасин. Бешинчиси, ризқни касбдан эмас, Аллоҳ таолодан, деб билсин, касб – сабаб холос».

Ҳакимларнинг биридан: “Касбларнинг яхши-си нима?” деб сўрашди. У киши шундай деб жавоб қилди: “Дунё касбларининг яхшиси эҳтиёжни қондириш учун ҳалолдан талаб қилингани, у билан ибодат ҳозирлиги кўрилгани ва ортиқчаси қиёмат кунига захира қилиб қўйилгани. Охи-рат касбларининг яхшиси эса амал қилинадиган илмни тарқатиш, солиҳ амаллар қилиш ва яхши одатни жорий этиш”, деди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: **“Ким молни қаердан топганига эътибор қилмаса, Аллоҳ унинг қайси эшикдан дўзахга кирганига эътибор қилмайди”.**

Кимда олтита хислат жамланса, у эркакларнинг саййиди бўлади. Учтаси уйда, қолгани ташқарида учрайди. Уйдан ташқаридаги хислатлар: олимлардан илм олиш, тақводорлар билан бирга юриш, ўзини ва оиласининг озуқасини ҳалол йўл билан талаб қилиш. Уйнинг ичидагилари: оиласи билан уламолардан эшитган нарсаларини эслаш, тақводорлардан кўрган нарсаларни бажариш, хотини ва болаларига кийим ва таомни ҳозир қилиш.

Шу ўринда бир ибратли ривоятни келтириш мақсадга мувофиқдир. Абдуллоҳ ибн Муборак (рахматуллоҳи алайҳ) етук фақиҳ, муҳаддис ва Аллоҳнинг дўсти эди. Аллоҳ таоло унга олий мартаба ато қилган эди. Вафот этгандан кейин бир киши тушида у зотдан: “Аллоҳ сизга қандай

муомала қилди?” деб сўради. Абдуллоҳ ибн Муборак (раҳматуллоҳи алайҳ): “Аллоҳ таоло мени мағфират қилди, фазлига олиб, улкан марҳамат кўрсатди. Лекин менга уйимнинг рўпарасидаги темирчига берилган мақом насиб бўлмади”, деди. Киши уйқудан уйғонди, дилида темирчининг кимлиги ва қандай қилиб Абдуллоҳ ибн Муборакка насиб қилмаган нарса унга берилганини ўйлаб, унинг маҳалласига борди. Суриштириб, Абдуллоҳ ибн Муборакнинг темирчи қўшниси борлигини, у ҳам ўша кунда вафот этганини аниқлади. Бориб, темирчининг хотинидан: “Эрингиз нима қилар эди?” деб сўради ва тушида кўрганларини айтиб берди. Аёл: «Эрим темирчи эди, кун бўйи ишлар, кечаси эса ухларди. Кечаси Абдуллоҳ ибн Муборакнинг таҳажжуд ўқишига ҳаваси келиб, ҳасрат қилиб: “Биз ҳам кенгчиликда бўлганимизда тун билан таҳажжуд ўқир эдим”, дер эди. Яна у ишлаётганида қулоғига азон товуши кирса, мабодо болғасини тепага кўтарган бўлса, шуни уриб қўяйин, демасди. Ўша заҳоти болғасини пастга тушириб: “Азонни эшитганимдан кейин менга болғани ушлаб туриш ярашмайди”, деб масжидга кетар эди», деди.

Темирчи ҳалол ризқ талабида эди. Азон эшитилиб, биринчи даражадаги фарз билан иккинчи даражадаги фарз рўбарў келди. Биринчи даражадагисини устун қўйди ва Аллоҳ буюк муҳаддисларга бермаган мақомга эришди.

Инсон ҳаёти фаровон бўлишининг шартларидан бири ҳалол касб билан шуғулланишдир. Ҳалол меҳнат билан топилган ва хайрли ишларга сарфланган бойликдан кўра яхшироқ бойлик йўқ!

Албатта, ҳалолдан касб-кор, меҳнат қилиш инсон учун машаққатли ишдир. Шунинг учун улуғ зотлар ўз яқинларини қанчалик қийин бўлса-да, ҳалол касб қилишга ва луқмани ҳалол тутишга чорлаб келишган. Мана бу ўринда уларнинг пурҳикмат сўзларидан баъзиларини келтириб ўтамиз.

ҲАЛОЛ КАСБ ҲАҚИДА ДУРДОНА ҲИКМАТЛАР

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ قَالَ: الْكَسْبُ الْحَلَالُ أَشَدُّ
مِنْ نَقْلِ الْجَبَلِ إِلَى الْجَبَلِ

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) айтади: “Ҳалол касб қилиш тоғни тоққа кўчириб олиб бормоқдан қийинроқдир”.

Ҳаким Абул Қосим (розияллоҳу анҳу) айтади: “Ҳалолдан касб қилиш ифбатли камбағални гўзаллаштиради, заифнинг муҳтожлигини беркиртади, пасткаш ғийбатчининг тилини тияди”.

Саид ибн Мусайяб (розияллоҳу анҳу): “Молини ҳалолдан топмаган, ундан ҳақларини чиқариб турмаган, у билан обрў-шарафини сақламаган кишида яхшилик йўқдир”, деган.

Ибн Шабрама (розияллоҳу анҳу): «Ажабо, шундай кишилар борки, касалликдан қўрқиб, ҳалолдан тийилади. Нима учун дўзахдан қўрқиб, харомдан сақланмайди?» деган.

Суфён ибн Уяйна айтади: «Банда ўзи билан харом ўртасида тўсиқ қўймагунича ҳамда гуноҳ ва шубҳали нарсаларни тарк қилмагунча имон ҳақиқатига эриша олмайди».

Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) айтади: «Мен ўзим билан ҳаром нарсалар ўртасида ҳалол нарсалардан иборат бир парда тўсиб, уни ҳеч қачон бузмасликни хоҳлар эдим».

Муҳаммад Жабалрудий ўз насихатида бундай сўзларни келтиради: “Дунёда ҳалолдан еб, ҳалол касб қил, ҳаромдан топилган мол ҳеч кимга вафо қилмайди”.

Абдибек Шерозий ўғлига: “Эй ўғлим, бу дунёда шундай йўл тутки, кийган кийиминг ва еган овқатинг ҳалолдан бўлсин!” дея насихат қилган.

Хулоса ўрнида бир гапни таъкидламоқчимиз: барака – бозорда сотиладиган ёки маблағ эвазига топиладиган нарса эмас, балки ҳалол касб, шариатга мувофиқ ишнинг ичига яшириб қўйилган, Аллоҳ кимга берса, ўша топадиган нарсадир.

АЖДОДЛАРДАН БИР НАҚЛ

Дарҳақиқат, инсон ҳалол меҳнат билан улуғ савоблар ва олий даражаларга эришиши мумкин. Шунинг учун ҳалол меҳнат қилиши ва покиза нарсаларни тановул қилиши инсоннинг шиори бўлиши керак. Бу ҳақиқатни тўғри англаб, ўз ҳаётларига татбиқ қилган ота-боболаримиз илмли, ўз касбининг устаси бўлишган. Улар ишбилармон ва тадбиркорларни қадрлашган. Агар инсон ёшлигиданоқ илм ўрганмаса, касб-ҳунар эгалламаса, ҳаётда тамагирлик ва хорликка дуч келиши, бошқаларга ҳасад қилиши, боқимандаликка ўрганиб қолишини яхши билишган. Фарзандларининг илм олиш ва касб-ҳунар эгаллашлари учун ҳамма шароитларни муҳайё қилиб

беришган. Уларга моддий ва маънавий жиҳатдан кўмакдош бўлишган, ёшлиқларидан ёнларига олиб, ўз касбларини ўргатишган.

Дунёга ўзларининг бой илмий мерослари билан танилган аждодларимиз, албатта, бирор касб-ҳунарни мукамал эгаллаб, шу орқали тамагирликдан тийилишган. Ҳалол меҳнат билан рўзғор тебратиб ёш авлод вакиллариغا намуна бўлишган. Шундай бой ҳаётий тажрибалари орқали қимматбаҳо хазина қолдирганлар. Аждодларимиз айтиб ўтган ҳикматли сўзлардан баъзиларини келтириб ўтамыз:

*У билсин хилма-хил касб-ҳунар тўлуғ,
Инсон юзин меҳнати қилар ёруғ.
Билим, касб-ҳунар ўрган, қадрла уни,
Касб-ҳунар қадрли қилгай охир сени.
Илм ол, ҳунар ўрган, беҳуда юрма,
Яхшилик келтирар бир кун, унутма.
Кимнинг касб-кори бўлса, номи чиқар,
Ҳунарсиз унутилар, номсиз йитар.*

Юсуф Хос Ҳожиб*

Юсуф Хос Ҳожиб ушбу байтида ёшларга насиҳат қилиб уларни меҳнат қилишга чорламоқда.

* Юсуф Хос Ҳожиб илк турк дostonнависи ҳисобланади. Қайси йилда таваллуд топгани номаълум. Унинг исми Юсуф бўлган. «Хос Ҳожиб» шоирнинг унвони бўлиб, унинг асари ҳукмдорга тортиқ қилингандан сўнг шундай номга сазовор бўлган. Унинг бизгача етиб келган ягона асари ҳижрий 462 (1069-70) йилда ёзиб тугалланган «Қутадғу билиг» («Бахтга элгувчи билим») бўлиб, муаллиф ўз асарини 18 ойда ёзиб тугатган. Кўлёзма нусхаларнинг ичида энг тўлиғи 6329 байтдан иборат, маснавий (арузнинг «мутақориб мусаммани маҳзуф») вазнида ёзилган. Китобда келтирилган байт қадим туркчадан (Эмин Усмон таржимаси) олинди.

Шу билан бирга ота-оналарни ўз фарзандлари касб-ҳунар эгаллашлари учун замин яратишга чорламоқда.

*У билсин хилма-хил касб-ҳунар тўлуғ,
Инсон юзин меҳнати қилар ёруғ.*

Буюк бобомиз табобат илмининг асосчиси Ибн Сино ёш авлод тарбиясининг илк палласида нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида қуйидагиларни айтган эди: «Ёш бола бошланғич таълим ва тилга доир қоидаларни ёд олганидан кейин у машғул бўлиши мумкин бўлган касб-ҳунар ёки саноатга мойиллигига қараб, уни шунга йўллаймиз. Агар у котибликни хоҳласа тил, хат ёзиш, нутқ сўзлаш ва одамлар билан муомала қилиш кабиларга далолат қиламиз. Албатта, бу ўринда боланинг майли аҳамиятга эга».

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий ўзларининг «Танбеҳул ғофилин» асарида: «Ҳар бир нарсанинг зеб-зийнати бор, йигитликнинг безаги касбдир», деган эди.

Ҳар бир жамият табиб, қурувчи, тўқувчи, муаллим, ватан ҳимоячилари, қурол ясовчи уста, ҳайдовчи, новвой каби касб эгаларига ҳамиша муҳтож. Тарихдан маълумки, қайси жамият замонавий илмлардан орқада қолса ва жисмонан заиф бўлса, инқирозга учрайди, босқинчиларга қарам бўлади. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жисмоний тарбияга ҳам алоҳида эътибор берган ҳолда: **“Фарзандларингизни сувда сузиш, отда чопиш ва камондан отишга ўргатинг”**, деб буюрганлар. У зотнинг ўзлари аскарларнинг машқларини кузат-

ганлар, мусулмон фарзандларини бошқа халқлар тилини ўрганишга ундаганлар.

Ҳозирги кунда ўсиб келаётган ёш авлод энг ил-ғор техника ва технологияларини мукаммал эгаллашни таъминлаш мақсадида таълим муассасалари юқори сифатли анжомлар билан жиҳозланиб, жаҳон стандартларига мослаштирилаётгани инсонни қувонтиради.

Бизда аجدодларимиздан мерос бўлиб қолган устоз-шогирд анъанаси мавжуд. Фарзандини ёшлигидан бирор ҳунарга ўргатиш мақсадида устозга шогирд бериш, илм-ҳунарли қилиш улуғ фазилатдир.

Абдибек Шерозий ўғлига: «Эй ўғлим, фазлу ҳунар орттиришга бутун кучинг билан кириш, уни мукаммал эгаллаб олишга ҳаракат қил!» деб насиҳат қилган.

*Билим, касб-ҳунар ўрган, қадрла уни,
Касб-ҳунар қадрли қилгай охир сени.
Илм ол, ҳунар ўрган, беҳуда юрма,
Яхшилик келтирар бир кун, унутма.*

Кимдир орзу-истакларига илм орқали эришса, кимдир касб-ҳунари билан етишади. Илму маърифат ва касб-ҳунар ҳамма замонларда ҳам кишилик жамияти тараққиёти учун муҳим омил бўлиб келган.

Фатҳулбанот Сулаймония бундай дейди: “Илм ва ҳунар ўрганиш инсон учун энг зарур нарсалардан ҳисобланади. Ҳар қандай нарсанинг моҳиятини англаш, жаҳондаги воқеаларнинг яхши-ёмон томонини билиб олиш, одамларнинг қадр қийматини тўғри тушуниш, оиланинг фаровонлигини тўғри

ташкил этиш, қисқаси, ҳар томонлама мукамал бўлиш учун илм ва ҳунар ўрганиш зарурий эҳтиёжлардан биридир”.

Улуғлардан бири айтади: «Ҳар кимнинг зари бўлмаса-да, ҳунари бўлса, дунёда ҳеч бир хавф-хатарлари бўлмайди. Шунинг учун киши ҳунар зийнати билан безанмоғи керак. Ҳунарсиз киши қуруқ савлатдир. Қуруқ савлат қотиб турган суратга ўхшайди. Сен суратга боқ, у одамга ўхшаса-да, жони бўлмайди. Дарахт шохи мевасиз бўлса, кийикнинг шохларидан нима фарқи бор?! Қалам гарчи чўп бўлса-да, илму ҳунарни ошкор қилгани учун азиздир. Ойна эса гўзаллар юзи туфайли қўлда юради».

Бархурдор ибн Маҳмуд бундай дейди: «Агар одам илм ва ҳунар таҳсили билан улуғ кишиларнинг ҳунарини ўрганса, вужуд матосининг қадри ҳаёт дўконида аъло даражага етиб, топиш-тутиши ҳам кўпроқ бўлади».

Илм ва покиза касб-ҳунар инсонга дунёда ҳам, охирада ҳам энг тўғри йўлни кўрсатади. Унинг соҳиби барча яхши хулқларга эришади. У сахий, жувонмард, камтар, шикастадил, иффатли ҳамда бошқа юксак инсоний хислатларнинг файзу баракотларидан баҳраманд бўлади. Бахиллик, кўрқоқлик, журъатсизлик, манманлик, исрофгарлик, зикналик каби ёмон ахлоқлардан ўзини сақлаб, гўзал хулқ эгаси бўлиб камол топади. Зеро, илм воситасида инсон нима фойдаю, нима зарар эканини билади ва ҳаётда олдига қўйган орзу-мақсадлари рўёбини кўради.

Маълумки, ҳар қандай касбни пухта эгаллаш учун унга тааллуқли илмни мукаммал ўзлаштириш керак. Касбига муҳаббати бор инсон ўз меҳнатидан чарчамайди, балки роҳатланади. Касби туфайли атрофидагиларга ёрдами тегса, инсон ўзини бахтли ҳисоблайди. Бу ҳунар уни ҳеч қачон тарк этмайди. Мол-дунё бир кун тугаса ҳам, ҳунарманднинг ҳунари тугамайди. Унга ҳамроҳ бўлади.

Саъдий Шерозий* айтади:

*Бўшаб қолғай олтин, кумуш ҳамёни,
Бўшамас ҳеч ҳунарманднинг кармони.*

Бир инсонга отасидан катта мол-дунё қолди. Унинг қўлида бирон ҳунари бўлмаса, қолган мерос қанчалик кўп бўлмасин тугайди. Аммо инсоннинг ҳунари бўлса, ўша мол-дунё ортади, асло тугамайди.

Муҳаммад Жавҳар Заминдор ўғлига бундай насиҳат қилади: *«Эй ўғлим! Бу насиҳатларга қулоқ сол, касбу ҳунар ўрганишдан ор қилма, меҳнат қилишни ўрган! Юрт ва элнинг ривожини ҳунарга боғлиқ. Энг ҳалол ва энг ёқимли емиш ва кийим ҳунардан ҳосил бўлади. Ҳунар – яширин хазина. Қуни келиб*

* Машҳур форс-тожик шоири, адиби ва мутафаккири Муслиҳиддин Саъдий Шерозий 1203 йили Шероз шаҳрида тугилган. Илк таълимни Шерозда олиб, ўша вақтдаги илм маркази Бағдодга йўл олади. Донгдор «Низомия» мадрасасида диний илмлардан чуқур илм олади. Мадрасани тамомлаб, 20 йил мобайнида Эрон, Арабистон, Кичик Осиё, Миср, Хуросон, Шарқий Туркистон ва бошқа давлатларни кезиб чиқади. Милодий 1292 йили вафот этади. Форс-тожик адабиётида Саъдийнинг мақоми жуда юксак. Хусусан, бой ҳаётини тажрибалари асосида ёзилган «Бўстон» (1257) ва «Гулистон» (1258) асарлари унга оламшумул шуҳрат келтиради.

дунё тасодифлари туфайли мол-мулкдан ажралсанг ҳам, ҳунардан ҳеч қачон ажралмайсан. Ҳунар сенинг доимий ҳамроҳинг, мададкорингдир».

Бархурдор ибн Маҳмуд айтади: «Ҳақимлар беҳунар кишини “қанотсиз қуш”, деб номлаган. Қушининг парвози учун қанотнинг бўлиши шарт бўлганидек, киши учун ҳам ҳунар барча ишларда зарурдир. Қудратли подшоҳлар ва шон-шавкатли улуғ кишилар ҳам, молу неъматлари ер куррасини қоплайдиган даражада кўп бўлса ҳам, ўз фарзандларини касбу камол ва қобилиятга тарғиб қиладилар. Демак, оддий халқ ҳунар ўрганишни ўз фаровонлигининг ва маишатининг асосий шартини, деб билишлари зарур ва мажбурдир».

Демак, инсон фарзандларига ҳунар ўргатмоғи мақсадга мувофиқ экан. Чунки ёшлик инсоннинг айна куч-ғайратга тўлган вақтидир. Фарзандларга ёшликни қадрлашни ва ундан самарали фойдаланишни ўргатиш зарур. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан умрни қадрлаш, хусусан, ёшликни қадрига етиш борасида кўплаб ҳадислар ривоят қилинган.

Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Қиёмат куни то тўрт нарса ҳақида сўралмагунича банданинг қадами жойидан силжмайди: умрини қандай ўтказгани, ёшлигидан қандай фойдалангани, молини қаердан топиб, қаерга сарф қилгани, билган нарсасига қанчалик амал қилгани”**, дедилар» (Имом Табароний ривоят қилган).

Демак, инсон умри ва ёшлигини қандай ўтказгани борасида сўралади. Ёшлик инсоннинг

орзу-ҳаваслар сари илдамлаган, ўқиб-тиришган, билим олишга қизиққан вақти бўлади. Шунинг учун ёши улуғлар ёшларга бу дамларни қадрлаш борасида кўплаб насиҳатлар қиладилар.

Бархурдор ибн Маҳмуд айтганидек: «Ҳақиқатдан ҳам ҳунар меҳрибон дўст, шафқатли ёр ва файз етказувчи бир чопағон отдирки, у ўз чавандозини роҳат манзилига етказди. У шундай ҳимоячидирки, ўз соҳибини тама оловидан қутқариб, омонда сақлайди.

*Кимнинг касб-кори бўлса, номи чиқар,
Ҳунарсиз унутилар, номсиз йитар.*

Инсон бирон ҳунар эгаси бўлса, уни ҳамма танийди, эътиборга тушади. Одамларнинг эҳтиёжларини қондиргани учун ҳаммага қадрли, каттаю кичикнинг раҳматига муяссар бўлади. Агар киши қобилият соҳиби бўлса, оғир пайтларда ҳам унинг кўзи тама чанги билан булғанмайди.

Доно халқимизда: «Қирсиз ер бўлмас, ҳунарсиз эр», «Ҳунар бўлса қўлингда, нон топилар йўлингда» каби мақоллар ёш йигитларни касб-ҳунарга чорлаш учун айтилган. Чунки ҳақиқий эр киши ҳунарсиз бўлмайди. Ҳунарсиз инсон мақсадларига эриша олмайди, рўзғорини тебратолмайди. Бошқаларнинг қўлига қараб, тамагир бўлиб қолади.

«Йигитнинг кўрки – ҳунар», дейди доно халқимиз. Одамларнинг бой-бадавлат бўлиши учун касб-ҳунардан яхшироғи йўқ, улуғлик ҳамда саодат осмони учун қобилиятдан ёрқинроқ юлдуз йўқ. Албатта, инсон бу дунёда яшар экан, касб, ҳунар ёки бошқа йўллар билан меҳнат қилиб,

ҳалол ризқ топишга ҳаракат қилади. Ёки ишга тайёргарлик кўриш мақсадида ўқиш, тажриба ўрганиш ишларида қатнашиши ҳам мумкин.

Улуғ шоир Низомий Ганжавий* ўз ўғли Муҳаммадга қуйидагича насиҳат қилади:

*Ўқиб ўрганилган ҳар битта ҳунар,
Ҳунармандга бир кун фойда келтирар!
Ҳунар ўрган, чунки ҳунарда кўп сир,
Ёпиқ эшикларни очар бирма-бир.*

Ҳунар суви билан суғорилмаган киши гўёки мева ва сояси йўқ қуруқ дарахтга ўхшайди. Ёки ҳид ва рангдан холи гулга монанддир. Дарҳақиқат, бу фирдавсмонанд гулшаннинг райҳонлари ҳидидан димоғини муаттар қилган киши хилма-хил, камёб, лаззатли неъматлардан баҳраманд бўлади. Бу неъматнинг ёқимли майидан бир журъа тотмаган киши доимо бахтсизлик ва ожизлик билан боши оғриб, хумор бўлиб юради. Кўп азоб ва уқубатлар юкини елкасида кўтариб юришга мажбур бўлади. Билим ва ҳақиқат боғининг боғбонлари касбу ҳунарсиз кишиларни жамиятнинг разил ва пасткаш кишилари, деб ҳисоблаганлар. Касбу камолсиз кишининг муҳаббати ҳеч бир дилдан жой топмайди ва ҳеч ким касбу ҳунарсиз кишига ёрдам қўлини чўзмайди.

* Абу Муҳаммад Илёс ибн Юсуф Низомий ҳозирги Озарбайжоннинг Ганжа шаҳрида милодий 1141 йилда таваллуд топган. Унинг ҳаёти ҳақида жуда кам маълумот қолган. Низомий форс, араб, юнон, қадимги паҳлавий, санскрит ва бошқа кўп тилларни билиб, фалсафа, мантик, илоҳиёт, адабиётшунослик, кимё, астрономия, математика сингари фанларни пухта билган. Низомий Офоқ номи хотинидан туғилган ўғли Муҳаммадни илм-маърифатли қилиб тарбиялаган, дostonларида ўз ўғлига насиҳатлар қилган. Низомий Ганжавий Шарқ адабиётида биринчи бўлиб «Хамса» ёзган. 1209 йилда вафот этган.

ТАНБАЛЛИК ВА ТАМАГИРЛИК ИСЛОМГА ЗИД ИЛЛАТ

Динимиз инсонларни ҳалол меҳнат қилиб, пешона тери билан мол-мулк топиб, ҳаёт кечиришга чақиради. Ишёқмаслик, танбаллик, бекорчилик, тиланчилик, ўзгаларга юк бўлиш каби иллатлар гирдобига тушиб қолишдан огоҳлантирди. Бу каби зарарли одатлар танқид остига олиниб, қаттиқ қораланади.

“Олма пиш, оғзимга туш” каби мақол ва тунчалар ифодаладиган муносабатлар Исломи дини таълимотига зиддир. Лоқайдлик, боқимандалик ва ҳаракатсизлик нафақат инсон бутун жамиятни ҳалокатга йўлиқтиради. Агар динимиз таълимотларини диққат билан ўрганиб, ундаги ўғит ва қайтариқларнинг ҳикмати борасида те-ранроқ тафаккур юритадиган бўлсак, фақатгина инсонларнинг фойдасини кўзлаган ишларга буюрганига гувоҳ бўламиз.

Дунё ободлиги инсон меҳнати билан бўлади. Банданинг қалбига ўрнашган илм ва ҳунар инсонларга бирдек манфаат келтиради. Чунки инсон бойиб, фаровон ҳаётга эришганидан сўнг меҳнати тарк қилиб қўядиган бўлса, ҳаётнинг маънавий файз-баракасидан, яъни фойдали меҳнат берадиган роҳатдан маҳрум бўлиб қолади. Унда қанчалик бойлик кўп бўлмасин халқ орасида ҳурмати бўлмайди. Улуғларимиз айтади: «Орзу-умидларга чеккан машаққатларнинг миқдорича эришасан».

Агар динимиз таълимотларини диққат билан ўрганилса, тиланчилик, бировнинг қўлига қараш

мутлоқ қораланади. Тиланчи бўлгандан кўра кўчада ўтин териб сотишга чорланади. Келинг, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг, саҳобалар ва уламоларимизнинг дангасалиқдан, танбал ва боқиманда бўлишдан қайтарган сўзларини ўрганайлик ва улардан керакли хулосалар чиқарайлик. Бу хусусда ҳадиси шарифда бундай дейилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурига бир киши келиб тиланчилик қилишга рухсат сўради. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ундан сўрадилар: “Уйингда бирон нарсанг борми?” “Ҳа, бор, кундузи остимизга солиб, кечаси устимизга ёпадиган бир эски мато ва сув ичадиган идиш, холос”, деди киши. “Икковини келтир”, дедилар. У киши айтган нарсаларини олиб келди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни қўлга олиб бундай дедилар: “Буларни ким сотиб олади?” Саҳобалардан бири: “Мен уларни бир дирҳамга оламан”, деди. “Ким бунинг устига зиёда қилади?”, дедилар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам). Бошқа саҳоба: “Мен уларни икки дирҳамга оламан”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки дирҳамни бояги кишига бериб: “Бир дирҳамга таом сотиб олиб, аҳли аёлингга олиб бор ва қолган бир дирҳамга болта сотиб ол-да, менга олиб кел”, дедилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг амрларини бажариб, ҳузурларига болта сотиб олиб келди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак қўллари билан унга соп ясадилар ва болтани унинг қўлига бердиларда: “Энди бориб, ўтин йиғиб, уни сот”, дедилар.

Ансорий ўтин йиғиб, уни сотиб, ўн беш дирҳамга эга бўлди ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларига келди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Бу маблағнинг бир қисмига таом харид қил, бир қисмига кийим-кечак сотиб ол!” Сўнгра айтдилар: “Бундай қилишинг сенга ярашади. Тиланчилик қилишинг қиёмат куни юзингга доғ бўлиб тушади”.

Ҳадисдан чиқариладиган хулосани гўзал бир шеър орқали ифодалаш мумкин:

*Ҳунарни қадрламаган оч қолади.
Ҳар ким анжир сотиб, қорни бўлса тўқ,
Унга шу ҳунардан устун ҳунар йўқ.
Инсон ҳунаридан ҳурмат кўради,
Дунёда не экса, шуни ўради.*

Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Ким ўзига тиланчилик эшигини очса, Аллоҳ унга фақирлик эшигини очиб қўяди. Ким ўзини ундан тийса, Аллоҳ ҳам уни сақлайди. Ким беҳожат бўлишни сўраса, Аллоҳ уни беҳожат қилади. Сизларнинг бирингиз арқон олиб, водийдан ўтин териб бозорга келтириб, бир мудд хурмога сотса, ўша иши одамлар берадиган ёки бермайдиган садақани сўрашидан яхшидир”**» (Имом Байҳақий ривояти).

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу): “Эй камбағаллар жамоаси, бошларингни кўтаринглар, савдогарлик қилинглар, албатта, йўлингиз равшан бўлади. Бошқаларнинг қўлига қараб қолманглар”, дедилар.

Улуғ тобеинлардан кўпчилиги Умар (розияллоҳу анҳу)нинг юқоридаги сўзларидан илҳомланиб, одамларни савдогарлик касбига қизиқтирар эдилар.

Абу Жаъфар (раҳматуллоҳи алайҳ): «Абдуллоҳ ибн Муборакнинг “Ким бозорни ташласа, муруввати кетиб, хулқи ёмон бўлади”, деганини эшитдим», деган. Иброҳим ибн Юсуф (раҳматуллоҳи алайҳ) Муҳаммад ибн Саламага: “Бозорни маҳкам тут, чунки у эгасига куч-қувват беради”, деб насиҳат қилган.

ФАРЗАНДЛАРГА НАСИҲАТЛАР

Муҳаммад Жавҳар Заминдор: «Эй ўғил! Дунёда энг ёқимсиз ва энг ёмон хислатлардан бири ишламасдан бошқаларнинг инъом-эҳсонига тама кўзини тикишдир. Касб-ҳунар эгаси тамадан холидир. У ўз ҳунарининг фазилати туфайли ўз меҳнати билан ҳалол ризқ топиб ейди».

Муҳаммад Жабалрудий: «Эй ўғил, ҳунарсиз, дангаса ва ишёқмас кишилар билан улфатлик қилма, уларнинг таъсири сенга ҳам уради, дангасаларнинг доимий фикру ўйи ишламасдан катта ейиш, яхши кийинишдир. Улар беҳуда сўзлашни, вақтни хуш ўтказишни, танани семиртиришни ўйлайдилар. Семиз кишининг дил кўзи бекилган бўлади, доимо ором топишни ўйлайди, кўп еб семиришни ўйловчи кишиларни донолар “ҳайвон табиатли кишилар” дейдилар».

Луқмони ҳаким ўз ўғлига насиҳат қилиб қуйидагиларни айтган: «Эй ўғлим, ялқовлик кўчасига кирма, кўнглинг тор бўлмасин, чунки кимда

ялқовлик ва бесабрлик бўлса, у ҳеч қачон бахтга эриша олмайди! Касбдан қўлингни тортмагил, кимки халқнинг муҳтожи ва бечораси бўлса, унинг дили танг ва ақли заиф ва унинг муруввати ботил бўлгай ҳамда халойиқ унга ҳақорат кўзи билан қарагай. Эй ўғлим, дунёдан охиратингга зарар етказмайдиганини ол. Ундан бир йўла бош тортиб, одамларга боқиманда бўлиб қолма. Лекин дунёдан етарлисини ол».

КЎП ЁТГАН – ОЗ ЯШАЙДИ

Эринчоқлик, ялқовлик кишини яхши ишлар қилишдан қайтаради, ғайрат-шижоатини йўқотади, касб-кор билан шуғулланишдан қолдиради. Баъзи дангаса кишилар ғайрат қилиш ва ҳаракатни кучайтириш ўрнига оғир кунга тушиб қолганда қўлни қовуштириб, айбни тақдирга тўнкайди. Уйқудаги кишининг уйғоқ одамдан хабари бўлмайди. Дангасалик, танбаллик иллатлари қайси инсон ва халқда илдиз отса, уларнинг тараққиётига болта уради. Бора-бора улар фақир ва боқиманда бўлиб қоладилар. Умрини дангасалик билан ўтказган одамга ҳеч қачон муваффақият ёр бўлмайди.

*Бўлса танбаллик кишининг пешаси,
Теккай оёғина хорлик тешаси!*

Фаридулдин Аттор

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) айтади: “Эринчоқлик ва ишёқмаслик бир-бири билан турмуш қурди, натижада уларнинг ўртасида фақирлик туғилди”.

Қайси кишида ожизлик, ношудлик ва дангасалик мужассам бўлса, у фақирликка юз тутади. Дангасалик ва ожизлик уруғини ерга қадаган одам алаалоқибат қашшоқлик ҳосилини йиғиб олади. Инсон ҳар бир сониясидан тўғри фойдаланмоғи керак. Вақтни бекор ўтказиш аҳмоқликдир. Дангасалик, ишёқмаслик барча кулфатларнинг бошидир. Аслида камбағаллик айб эмас. Аммо у ялқовлик сабабидан келган бўлса, катта айбдир.

Уламоларимиз: “Учта нарсанинг давоси йўқ. Биринчиси, ҳаром аралашган касаллик. Иккинчиси, ҳасад аралашган адоват. Учтинчиси, танбаллик аралашган камбағаллик”, дейишади.

Доно одам ялқов кишилар билан улфат бўлмаслиги керак. Ҳақимлар айтадиларки, ялқовлар билан улфат бўлишдан қочиш зарур. Чунки улардан маслаҳат сўралса, улар ўзларининг ялқовлик нуқтаи назаридан маслаҳат берадилар. Улар бўладиган ишни ҳам ўзларининг қувват ва идрок тақозоси билан бўлмайдиганга чиқарадилар. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу): “Нафсингни фойдали нарсалар билан машғул қил, акс ҳолда уни зарарли нарсалар эгаллаб олади”, деб бежиз айтмаганлар. Дангасалик, танбаллик ва бекорчиликка берилган нафс инсонни турли васвасаларга солиб, ҳар хил ёмон йўлларга бошлайди. Умар (розияллоҳу анҳу): “Мен одамнинг на дунё иши, на охират иши билан машғул бўлмасдан, бекорчи бўлиб юришини ёмон кўраман”, деган.

МУМИН БОҚИМАНДА БЎЛМАЙДИ

عَنْ أَبِي الْعَبَّاسِ سَهْلِ بْنِ سَعْدِ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، دُلَّنِي عَلَى عَمَلٍ إِذَا عَمَلْتُهُ أَحَبَّنِي اللَّهُ وَأَحَبَّنِي النَّاسُ. فَقَالَ: «أَزْهَدْ فِي الدُّنْيَا يُحِبَّكَ اللَّهُ، وَأَزْهَدْ فِيمَا عِنْدَ النَّاسِ يُحِبَّكَ النَّاسُ».

(رواه ابن ماجه).

Абул Аббос Саҳл ибн Саъд Соъидий (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: «Бир киши Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мени шундай амалга далолат қилингки, агар уни қилсам, Аллоҳ ҳам, одамлар ҳам мени яхши кўрсин», деди. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): **“Дунёдан зуҳд қил, Аллоҳ сени яхши кўради. Одамлардаги нарсалардан зуҳд қил, одамлар ҳам сени яхши кўради”**, дедилар».

Аллоҳ ва бандалар муҳаббати қай тарзда қозонилиши ҳадиси шарифда баён этилди.

Бошқалар қўлидаги мол-давлатга кўз тикманг! Одамларнинг яхши кўрган нарчасини тинч қўйсангиз, улар сизни яхши кўрадилар. Аксарият қалблар дунё муҳаббатига гирифтор бўлган. Агар бирор кимса уларнинг – дунёларига кўз тикса, уни қаттиқ ёмон кўрадилар. Мол-дунёларига тамагирлик қилмасангиз, улар наздида сиздан яхши одам бўлмайди.

Ҳасан Басрий айтади: «Инсон, модомики, одамлар қўлидаги нарсага кўз тикмас экан, улар учун суюқлидир. Киши қачон бошқалар молига таъма кўзи билан қараса, одамлар уни ҳурмат қилмай қўйишади. Суҳбатидан қочиб, ўзини ёмон кўришади».

Фузайлибн Иёз (раҳимаҳуллоҳ) айтади: «Одамлар наздида энг яхши инсон одамлардан беҳожат бўлгандир. Одамлар наздида энг ёмон инсон уларга муҳтож бўлгандир. Аллоҳ наздида энг яхши инсон Унга муҳтож бўлгандир. Аллоҳ таоло наздида энг ёмон одам эса, бошқаларга муҳтож бўлиб, Яратгандан ўзини беҳожат ҳисоблагандир».

МЕҲНАТ – РОҲАТ, ФАРОҒАТ

Мўмин ҳар ишда ўтган солиҳларнинг ҳаётидаги ибратли воқеаларни ўрганишга ҳаракат қилади.

Албатта, котиблик уламоларнинг касбларидандир. Хусусан, Қуръони каримни ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳадисларини кўчириш улуғ ишлардан ҳисобланади.

Жобир ибн Зайд (розияллоҳу анҳу) бир куни Молик ибн Динор (розияллоҳу анҳу)нинг ҳузурига кирганида уни мусҳаф кўчираётганини кўриб: “Эй Молик, нега фақат Аллоҳнинг Китобини кўчирасиз, сизга бундан бошқа касб йўқми?” деди. Шунда Молик ибн Динор: “Аллоҳга қасамки, бу ҳалол касбдур”, деди.

Молик ибн Динор Қуръони каримни тўрт ой ичида кўчириб тамом қилар эди. Хизматига олган ҳақи билан таомланар ва ўз эҳтиёжларига ишлатар эди.

Мулла Али Қорий ҳам дин илмларида пешқадам бўлган. Шунга қарамай ҳуснихат билан ҳам мунтазам шуғулланган. Шайх Муҳаммад Тоҳир ибн Абдулқодир Курдий ўзининг «Тарихул хатул арабий ва адабиҳи» китобида бундай ёзади: «Мулла Али Қорий насх, настаълиқ ва сулс хатлари бўйича моҳир хаттот ва кўплаб беллашувлар ғолиби бўлган. У ҳуснихат илмидаги маҳоратни Шайх Ҳамидуллоҳ Амосийдан ўрганган. Йил бўйи Куръон мусҳафи ва «Тафсир Жалолайн» китобини кўчириб тугатгач, сотиб пулини йил давомидаги ўзининг сарф-харажатлари учун ишлатарди».

ТАМАГИРЛИК – ИЛЛАТ

Инсонлардаги тамагирликни кетказишнинг энг яхши йўли меҳнат қилишдир. Инсон Аллоҳнинг буйруғи асосида турли касбларни талаб қилади. Иш мобайнида тақво қилади ва эртаю кеч ҳалолни талаб этади. Бу муҳтожлик ва бойларга лаганбардорлик қилишдан сақлайди. Албатта, ризқ талаби борасида хорлик, камбағаллик, машаққат ва ғам-андуҳларга сабр қилади. Бунинг самараси ўлароқ, тамагирлик офатидан йироқ бўлади.

Бу борада улуғ аجدодларимиздан Сўфи Аллоҳ-ёр ҳазратларининг «Саботул ожизин» китобидаги байтлари ва унинг шарҳини келтиришни ўзи кифоя, бу сўзларга зиёда қилишга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз:

*Кел, эй озода, бўл ҳиммат билан ёр,
Тама зиндониға бўлма гирифтор.*

*Бир игна бўлмаса дунё ишидин,
Ур истиғно, тама қилма кишидан.
Худойинг ҳарна берса, қил қаноат,
Кўнгилни қилма миннатдин жароҳат.
Югурсанг кунда бир кавди учун чанд,
Бухоро ўлкасидин то Самарқанд.
Бадахшондин кўтарсанг юз сари тош,
Баҳоси Балх ичинда бўлса бир мош.
Агар боши билан чоҳ қазса банда,
Кўзининг ёшича сув топса анда.
Агар қазса ариғ киприк била мард,
Анга бир ҳўшайн жав қилса парвард.
Бу меҳнат бирла топсанг парчайи нон,
Кишининг миннатидин улдур осон.*

«Ҳидоятут толибин шарҳу “Саботул ожизин”» китобида Саййид Ҳабибуллоҳ ибн Саййид Яҳёхон қуйидагича шарҳланган: “Кел, эй озода кўнгил, ҳиммат билан ҳамиша ёру рафиқ бўлгин. Тама зиндонига гирифтор бўлиб, тамагир бўлиб қолмагин. Бир игна бисотингда бўлмаса-да, ҳеч кимсадан тама қилмагин. Аллоҳ таоло сенга берган нарсасига қаноат қилиб, бошқаларнинг миннатли нарсаларидан кўнгилни узгин. Агар пул учун неча бор Бухоро ўлкасидан то Самарқанд шаҳригача югурсанг ёки Бадахшон вилоятидан юз тош кўтариб келсанг, унинг баҳо ва қиймати Балх шаҳрида бир мош қадрича бўлса ёки бир киши бир ўзи танҳо қудуқ қазиса ва унда кўз ёшича сув топса (яъни бир томчи) ёки пичоқ (киприк) билан ариқ қазиб, унинг суви билан бир бош арпани парвариш қилиб кўкартирса, бу меҳнату машаққатлар билан бир бурда нон топиб ёмоғи бировларнинг миннатидан осонроқдир”.

Байтда шоир муболаға даражасида тамадан қочишга чорламоқда. Демак, инсон кўп меҳнат ва машаққатдан сўнг бир бурда нон топмоғи тама ва разолат йўли билан топган турли хил ноз-неъматдан минг чандоқ яхши бўлар экан.

*Таваккул ганжидин, эй юз ўгурган,
Буюрганга мухолифдур бу юрган.*

«Эй таваккул ганжи ва хизонасидин юз ўғриб, тама гирдабиға чўмилиб юрган одам, бу хилда юришинг Аллоҳ ва Расул буюрганиға мухолифдур. Таваккул касбга ва касб таваккулга мухолиф эмасдир. Аксар анбиё (алайҳимуссалом) бир касб бирла машғулиятлари Қуръони карим ва бошқа китоблардан билинур. Чинончи, ҳазрат Юсуф (алайҳиссалом) азизи Мисрга хазинадор ва вазирлик бирла маъмур эдилар. Ҳазрат Довуд (алайҳиссалом) темурдин совуту қалқон ва бошқа нарсалар ясамоқлари: Сабаъ сурасининг 10–11-оятларида:

«Биз Довудга (улуғ) фазл (мартаба) ато этдик: “Эй, тоғлар ва қушлар! (Довуд) билан бирга тасбеҳ айтингиз!” Яна унинг учун темирни (хамирдек) мулойим қилиб қўйдик. (Довудга дедик): “Совутлар ясагин ва (уларни) ясашда меъёрни билгин! (Эй, Довуд оиласи!) Яхши амал қилингиз! Зеро, Мен қилаётган (яхши-ёмон) амалларингизни кўриб турувчидирман”», деб келтирилган.

Аллоҳ таоло Марям онамизга бундай марҳамат қилган:

﴿وَهَزَىٰ إِلَيْكَ بِجُنْعِ النَّخْلَةِ تَسْقُطُ عَلَيْكَ رَطْبًا حِينِيًّا﴾

«(Мана шу қуриб қолган) **хурмо шохини силкитгин, токи у** (Менинг қудратим билан) **сенга янги хурмо меваларини тўксин!**» (Марям сура-си, 25-оят).

Бу афифа онамизга хурмони силкитмоққа буюрмоғида бизлар учун ризқ йўлида ҳаракат этмоғга ҳудояту иршод бордир. Аллоҳ таоло хурмони силкитмасалар ҳам, ул муҳтарамани олдиға рутабни тушурмоқға қодир эди.

Марям онамиз Исо (алайҳиссалом)ни дунёга келтирар экан, бир томондан қавмдошларининг иғво ва ғийбат қилишларидан қўрқиб, бошлари оққан томонга юрсалар, яна бир томондан тўлғоқ азобидан қийналиб, ўта аянчли бир аҳволға тушган эди. Шу тариқа юриб-юриб қуриган ёки мевасиз бир хурмо дарахтининг тагига келиб қолади. У ёғига юролмайди. Шунда Аллоҳ таоло Жаброил (алайҳиссалом) орқали Марямға шундай амр қилади. Бунда бирор натижаға эришиш учун сабабларни ишға солиш, қандайдир меҳнат қилиш лозимлигига ишора бор. Инсон ҳеч бўлмаса, ниманидир «силкитиши» керак, қандайдир ҳаракат қилиши керак, ана шунда ҳаракатига баракот берилади. Ҳаракат бир сабаб, берувчи эса Аллоҳ таолодир. Бу Аллоҳнинг фоний дунёдаги қонуни.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Расуллуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **«Агар сизлар Аллоҳға ҳақиқий таваккул қилсангиз, албатта у сизларни ризқлантиради. Худди эрта билан қорни оч қушни кечгача қорнини тўқ қилиб ризқлантиргандек»**, деб марҳамат қилганлар.

Бу ҳадисда ҳам ҳаракатда ҳидоят бордир. Зеро, паррандага ризқ бермоқда. У тонгда қорни оч (ризқ талабида) учиб кетади ва кечқурун қорни тўқ қайтиб келади. Агар бил-кулл касбу қор ва ҳаракатдин тўхтамоғ мурод бўлса эди, қушни учуб бориб келмоғини зикр қилмас эдилар. Аммо касб билан машғул бўлган инсон Аллоҳга суянмоғи дарқор, қилаётган касбига суянмаслиги лозим.

*Кеча-кундузга кимни қути етса,
Ҳаром эрмиш ўзини соил этса.
Набий айтди: «Қиёмат бўлса, эй дўст,
Тамагирнинг юзида бўлмағай пўст».
Билай десанг, бу сўзни иста «Мишкот»,
Тама бирла кечурган ҳайф авқот.*

«Кеча-кундузга етгудек қувту ла ямути бўлса, ул киши бировлардин тиланиб ўзини соилу гадолар қаториға қўшмоғи ҳаромдур. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадисда “Қиёмат куни тамагирни юзида пўст бўлмағай”, дедилар. Бу сўзни ҳақиқатини билай десанг, «Мишкотул масобих» китобини ахтариб кўргин. Эссиз умри, азиз ва вақти зи қийматки, тама бирла кечса ва бу йўлда ўтса».

ҲУНАРЛИ ЙИГИТ – МЕВАЛИ ДАРАХТ

Фарзанднинг иқтидорига қараб бир соҳага йўллаш ва унга муносиб устоз топиш лозим. Бир инсон ўз касби борасида етук мутахассис бўлиши учун тўрт киши рози бўлиши даркор. Агар улардан бири рози бўлмаса, мақсад рўёбга чиқмайди.

Биринчиси, ота фарзанди қилмоқчи бўлган касбдан рози бўлиши;

иккинчиси, она фарзанди қилмоқчи бўлган касбдан рози бўлиши;

учинчиси, инсон ўзи қилётган касбдан рози бўлиши;

тўртинчиси, устозининг рози бўлиши.

Демак, ота-она фарзандини бирор касб-ҳунар эгаллашини истадилар. Фарзанд ҳам қобилиятли, унга энди муносиб, шогирд истикболини кўра оладиган устоз даркор бўлади.

Муҳаммад ибн Ҳасан айтади: “Илмни талаб қилиш фарз бўлганидек, касб-ҳунарни талаб қилиш ва уни эгаллаш ҳам фарздир”.

Яхши устоз ва илм инсонни ушбу зулмат ва залолат ботқоғига етакловчи сифатлардан муҳофаза қилиб, ёруғлик сари, бахт-саодат йўли томон бошлайди. Касб-ҳунарли бўлишда ҳам устознинг тажрибаси керак бўлади.

Устоз шогирдининг келажагига назар сола оладиган тажрибали инсон сифатида толибнинг табиатига мос, иқтидорига лойиқ илмни тавсия қиладиган бўлиши лозим. Имом Бухорийнинг ҳаётларидан бир воқеани келтириб ўтамиз:

Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий имом Муҳаммад ибн Ҳасан (раҳматуллоҳи алайҳ)дан фикҳ

илми борасида таълим олган. Намоз аҳкомлари баён қилинган бобга етганида устозлари: “Сиз ҳадис илмини ўрганинг, ҳадисга оид илмларни ўрганинг”, дедилар. Мана, устоз ўз шогирдининг қобилиятини тўғри баҳолай олганига ёрқин мисол.

Фарзандларнинг илмда ҳам, касб-ҳунарда ҳам моҳир бўлишлари, уларнинг бахт-иқболи ҳар бир иш устида уста мутахассис туришига боғлиқ. Доно халқимиз, “Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин”, деб бежизга айтмаган.

Устоз шогирдининг келажаги борасида фикр юритиши, уни турли замонавий билимлар билан улғайтириши лозим.

Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу): “Болаларингизни келажак замонга мослаб улғайтиринг. Чунки улар сизнинг даврингиз инсонлари эмас, келгуси даврнинг кишилари дир”, деган эди.

*Ёмон устага берма шогирд этиб,
Бузар у бузуқ феълени ўргатиб.*

*Ўғил бўлса улфат саёқлар билан,
Умид узсин ота бу ўғлидан,*

каби олтинга тенг мақоллар аждоқларимиздан бизга етиб келган, биз ҳам уларни авлоқларимизга етказишимиз даркор.

Устоз-шогирдлик анъанасига мусулмон оламида қадимдан эътибор бериб келинади. Бизда шогирдлар доимо устозларини ҳурмат қилади. Шогирдлар устозидан дуо олмай туриб, мустақил иш бошлайди. Улардан доим насиҳат ва маслаҳат сўраб туришган. Барча жойлар ва муносабатларда шогирдлар устозларини ўзларидан устун қўйишган.

МЎМИННИНГ ДУНЁСИ ҲАМ ДИН

Инсон бирор ишни қилаётганида мен бу касб-ни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га эргашиб, зиммамдаги ҳақни адо қиляпман, деб ният қилса, ўша ишга сарф қилган ҳар дақиқа вақти улкан ибодат даражасига кўтарилади.

Абу Махорикдан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалари билан ўтирганларида, ёш аъробий йигит ўтиб қолди. Абу Бакр ва Умар (розияллоҳу анҳумо): “Агар у йигитлигию куч-қувватини Аллоҳ йўлида сарфлаганида, катта ажр олган бўларди”, дейишди. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: **“Агар қариб қолган ота-онасига ёрдам беришга ҳаракат қилса, у Аллоҳ йўлидадир. Кичик болалари учун ҳаракат қилса, у Аллоҳ йўлидадир. Агар у ўз нафси учун, одамлардан беҳожат бўламан, деб ҳаракат қилса, у Аллоҳ йўлидадир. Агар одамлар кўрсин ва эшитсин, деб ҳаракат қилса, у шайтон йўлидадир»** (Имом Табароний ривояти)³.

Ҳадисдан халқ орасида кенг тарқалган “дин бошқа, дунё бошқа” деган фикрнинг хато эканини англаймиз. Ўйлаб кўрадиган бўлсак, биз дунёвий иш, деб ўйлайдиган ҳалол ризқ талаб қилиш ҳам диннинг бир бўлаги экан. Фақат шарт шуки, талабимиз шариатга мувофиқ, жоиз йўл билан бўлсин. Шариатда: «Диним менга аҳли аёлимнинг

³ Танбеҳул ғофилийн. Абу Лайс Самарқандий. Мовароуннаҳр. Тошкент. 2007. Таржимон Дилмурод Қўшоқов.

нафақасини вожиб қилган, ҳалол йўл билан луқма топиб, оиламга тутай», деган ният билан далада ишлаётган деҳқон, дастгоҳ олдида турган ишчи, ўз касбидан қолмаётган ҳунарманд, ўз вазифасини адо этаётган идора ходими ёки зиёли, ибодат қилаётган бўлади. Бундан бошқа ниятни қилган одам эса мўлжалидаги нарсага эришиши мумкин, аммо ажру савобга етиша олмайди. Умар (рози-яллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **«Амаллар фақат ниятларга кўради. Ҳар кимга ният қилгани-гина бўлади»**, деб бежизга айтмаганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

Хуллас, ўзига муносиб қудрати, илми, маърифати етадиган, рисоладагидек адо этишига ишончи комил ишга кирган инсон ҳар куни ишга кетаётиб, яхши ниятини такрорлайди. Ҳалолдан ризқ топиш, элга, ватанга хизмат қилиш, ишни пухта адо этиш, дангасаликка йўл қўймаслик каби нарсаларни ният қилади. Бу билан ризқ топишга сарфлаган вақти ҳам ибодатга айланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мўмин-мусулмон қандай ишда бўлмасин, энг яхши ишчи, энг яхши косиб, яхши деҳқон, яхши муҳандис, яхши хизматчи, яхши табиб, яхши ўқитувчи, хуллас, ҳар бир касбнинг энг моҳири, энг омили, энг тадбирлиси бўлишга ҳаракат қилиши, Аллоҳнинг розилигини ва ҳалол ризқни ният қилиши лозим бўлади.

КАСБ-ҲУНАР ҲАҚИДА ДИН ҲУКМЛАРИНИ ЎРГАНШ

Касблар ҳақидаги Ислом таълимотлари ва кўрсатмалари жуда фойдалидир. Ризқ талабида қилинган ҳар бир меҳнат ҳам мақтовга сазовор бўлавермайди. Агар фақат машаққат чекишнинг ўзи мақтовга сазовор иш бўлганида, ўғри ҳам, қароқчи ҳам, турли бузуқ ишлар билан машғул бўлувчи ҳам: “Мен буни топгунимча не машаққатлар чекмадим”, деб фахрланиб юрар эди. Лекин барча чекилган машаққатлар ҳам ножоизни жоиз қилиб қўёлмайди.

Шунинг учун бирор касбни танлаш ёки бирор иш билан шуғулланишдан аввал унинг шариятга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ва қандай қилинса, тўғри бўлишини ўрганиш лозим.

Ҳар бир касбнинг сир-асрорини, шариятдаги ҳукмини билишимиз керак. Умар (розияллоҳу анҳу)нинг бир сўзлари ҳам жуда машҳурдир: “Бозоримизда савдо илмини яхши билган кишигина тижорат қилсин, акс ҳолда, судхўрлик қилиб қўяди” (*Имом Термизий ривояти*).

Аллоҳнинг одати шундайки, қайси иш Унинг буйруқларига мувофиқ қилинса, барака беради. Ҳаромдан келган молда барака бўлмайди. Шунинг учун ҳам ойлик маош олиб ишлайдиган ҳамма ишчилар ойлигини қадрлашларига, “оз бўлса ҳам, бунда барака бор”, деб қўйишларига гувоҳ бўламиз. Мусулмон қиладиган иш шарият ҳалол қилган амал бўлиши лозим. Шарият эса инсонга,

жамият, ватан, атроф-муҳитга зарар етказадиган барча нарсаларни ҳаром қилган. Шунинг учун ҳам иш танламоқчи бўлган одам аввал бу борадаги таълимотларни яхшилаб ўрганиб, билмаса, биладиганлардан сўраши, шундан кейингина иш танлаши зарур. Мана шунинг ўзи ишдаги энг катта баракадир.

БАРАКАСИЗЛИКНИНГ САБАБИ НИМА?

Бизнинг онгимизда фақат баъзи нарсаларгина ҳаром ёки шубҳали экани ўрнашиб қолган. Лекин қўлимизга тушаётган мол-мулкка турли йўллар билан ҳаром аралашаётганидан беҳабармиз. Мисол учун: сарфланган газ ва электр токи учун тўланадиган пулни йиғувчига пора бериб, камайтирамиз. Бу чўнтагимиз учун иқтисод. Аслида эса кўпчиликнинг ҳақи, қиёматгача сўраб ҳам розилигини олиб бўлмайдиган ҳақдир. Шу билан бошқа бир инсоннинг ҳам гуноҳига сабабчи бўлиб қоламиз. Имом Аҳмад (раҳматуллоҳи алайҳ) ривоят қилган ҳадисда бу ҳақда бундай дейилган:

عَنْ ثَوْبَانَ قَالَ: «لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الرَّاشِيَّ وَالْمُرْتَشِيَّ وَالرَّائِشَ يَعْنِي الَّذِي يَمْشِي بَيْنَهُمَا» رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Савбон (розияллоҳу анҳу) айтади: **“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пора берувчи, пора олувчи ва уларнинг ўртасидаги воситачини лаънатладилар”.**

“Лаънат” нақадар оғир сўз, яна Аллоҳ таолонинг Пайғамбари тилидан қарғиш бўлиб чиқмоқда. Аллоҳ таолонинг Ўзи сақласин.

Шунингдек, бирор хусусий корхонанинг эгаси ишчилари келишилган вақтда ишда бўлмаса ёки кеч келса, унинг иш ҳақидан олиб қолади. Буни икки тараф ҳам эътироф этади. Лекин катта олий даргоҳларда, мактаб-боғчаларда, корхона-фабрикаларда, тиббиёт муассасаларида ҳафтасига маълум соатга, ҳар бир соати учун маълум миқдордаги пулга келишиб ишлаётган ҳеч бир одам кеч қолган дақиқалари, эртароқ чиқиб кетган кунлари учун ойлик олаётганда: “Бу менинг ҳақим эмас, ишлаган соатим ойлигимдан камроқ эди”, деб айтмайди. Қани айтинг-чи, ишчиларнинг келмаган соатлари, кеч келиб, эрта кетган кунлари учун тўла ҳақ олиши ҳалолми? Бундай десангиз, устингиздан кулишади. Лекин аслида бу топилган даромад ҳалол эмас, балки сутга тушган қумалоқдир.

Ҳозирги кунда ойнаи жаҳон, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларида тарқалаётган хабарлар орқали мактаб, коллеж ўқитувчиларининг ўз касбларига бепарво қараётганларини гувоҳи бўлмоқдамиз. Улар эртага биз ўқитувчи бўлиб ҳалол ишлаганмиз дея оладиларми? Мусулмон инсон иш берувчи тараф топширган ишни омонат эканини зинҳор унутмаслиги зарур. Ўзига топширилган омонатга у ҳар қандай кўринишда бўлмасин, хиёнат қилмасликка аҳду паймон ва саъй-ҳаракат қилиш иш бажарувчи тарафнинг масъулияти ва бурчидир. Мусулмон киши ўз ишига жиддий қарайди, ғайрат билан ишлайди ва бепарво, дангаса

бўлмайди. Ишга жиддий муносабатда бўлмагунча ва ғайрат билан астойдил ишламагунча бирор яхши натижага эришиш мумкин эмас. Зеро, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ворид бўлган мунофиқликнинг белгилари саналган ҳадисни ҳаммамиз билишимиз лозим: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Мунофиқнинг белгиси учта: гапирса, ёлғон гапиради, ваъда берса, устидан чиқмайди ва омонат унга ишонилса, хиёнат қилади”**, деганлар» (*“Муттафақун алайҳ”*).

Мусулмон омонатга хиёнат қилмайди. Бу иш мунофиқлик аломатларидан бири экани доимо ёдида туради. Абу Зарр (розияллоҳу анҳу)нинг ҳаётларидан бир воқеани ўргансак мақсадга мувофиқ бўлади. Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) айтади: **“Эй Аллоҳнинг Расули, мени омил қилмайсизми?” Шунда у зот елкамга уриб: “Эй Абу Зарр, сен заифсан, албатта, бу (иш) омонатдир, албатта, бу қиёмат куни хорлик ва надомат бўлади. Фақат ким уни ҳақи ила олса ва ундаги ўз бурчини адо этса, бундан мустасно”, дедилар.**

Демак, инсон бирор касбни бошқарувини қўлга олмоқчи бўлса, унда иккита хислат бўлмоғи лозим. Биринчиси – кучли бўлиш. Куч деганда, фақат жисмоний қувват эмас, балки ақлий, зеҳний ва шахсий қувват ҳам кўзда тутилади. Иккинчиси эса ишончли – омонатдор бўлишидир.

Заифлик мансаб масъулиятини ўрнига қўйиб, рисоладагидек адо эта олмасликнинг барча турларини ўз ичига олади. Ўзига юклатилган вазифани уддалай олмаслик, мансабдан фойдаланиб, ўз фойдаси ортидан қувиш, кишиларга зулм ўтказиш ва бошқалар шу жумладандир. Мусулмон

киши ўзида заифлик сезса, масалан, агар мансаб таклиф этилса, пора олиш орқали заифлик қилмаслигига шубҳаси бўлса, мансабни қабул этмаслиги керак.

ИШНИ ПУХТА БАЖАРИШ

Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Албатта, Аллоҳ сизлардан бирингиз иш қилганда уни яхшилаб қилишини севади”**, дедилар» (Имом Байҳақий ривояти).

Мусулмон ҳар ишни пухта, чиройли ва мукамал қилиши лозим. Чала, сифатсиз, “биздан кетгунча, эгасига етгунча” қабилида иш қилиш мусулмон инсонга мутлақо муносиб эмас. Сифатсиз иш қилган одам ўзича оз иш қилиб, кўп нарса топганга ўхшайди. Аслида эса у ўзига зарар қилган бўлади. Ўзи бажармаган ишини бажарган қилиб кўрсатиш, сифатсиз ишини сифатли иш сифатида тақдим этиш, хом-ашёнинг арзонини ишлатиб, қимматидан фойдаланганини даъво қилиш кабилар ёлғончилик, мунофиқлик ҳисобланади. Булар “қўшиб ёзиш”, “қаллоблик” каби номлар билан ҳам ҳаммамизга таниш.

Ишдаги бу нуқсонларни давлат, халқаро ташкилот ва ширкатлар, хусусий ширкат ва шахслар қўлида иш бажарётганлар содир этишади. Бунга масъул ҳисобчиларнинг бажарилмаган режанинг ортиғи билан бажарилгани ҳақида ҳисобот тайёрлашларидан тортиб, сувоқчи устанинг сувалган деворнинг ўлчовига йўқ нарсани қўшиб ҳақ

олишигача мисол келтириш мумкин. Бундай кўзбўямачиликлар амалга оширилаётган пайтда осон кўринса ҳам, аслида кони зарардир. Бу дунёда ҳам, охиратда ҳам шармандалиқдир. Шунинг учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундан қайтарганлар.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: **«Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким бизга нисбатан алдамчилик қилса, биздан эмас”, дедилар».**

КАСБГА МУҲАББАТ

Мусулмон ўз ризқига сабаб бўлаётган касбига меҳр қўяди ва унга вафодор бўлади. Тажриба инсон ўз касбига меҳр қўймагунча, бирор яхши натижага эришмаслигини такрор-такрор кўрсатган. Аксинча, касб-ҳунарига меҳр қўйган ва уни ўзига лозим тутганлар баракага сазовор бўлганларини ҳам кўпчилик яхши билади.

Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Қачон Аллоҳ бирингизга бирор тарафдан ризқ жорий қилиб қўйса, унинг ўзи ўзгармагунча, ўша нарсани тарк қилмасин”**, дедилар» (Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривояти).

Бундан ўзга ризқ топиш учун сабаб бўлиб турган нарсани то у фойда бермайдиган бўлиб қолмагунча тарк қилмаслик кераклиги англанади.

Нофеъ айтади: «Мен Шом ва Мисрга тижорат моли юборар эдим. Аллоҳ менга кўп яхшилиқни ризқ қилиб берарди. Бир гал Ироққа (мол) юбор-

дим. Сармоям ҳам қайтмади. Ойша (розияллоҳу анҳо)нинг ҳузурига кирган эдим: “Ҳой болам, тижоратингни лозим тут. Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг “Бирингизга бир эшикдан ризқ очилса, ўшани лозим тутсин”, деганларини эшитганман” деди».

Ҳа, муслмон киши ризқи келиб турган эшикни ёпиб, ўзини бошқа эшикка уришга шошилмаслиги керак.

ХУЛОСА

Такрор айтамыз, аждодларимиз маданият ва иқтисод, илм ва касб-ҳунар тараққиёти билан бирга давлатчилик, миллат ва халқпарварлик борасида ҳам улкан натижаларга эришганлар. Ҳозиргача уларнинг шу соҳалардаги бой маънавий меросларидан фойдаланиб келинаётгани сир эмас. Шундай экан, буюк аждодларимиз меросини ёшлар онгига сингдириш жуда муҳимдир. Зеро, бу меросда инсонни ватанпарварлик, она заминга муҳаббат ва улар ҳаётларининг асоси бўлган касб-ҳунар эгаси бўлиш каби юксак инсоний қадрият ва фазилатларга керагича эътибор берилган. Шу билан бирга бугун фарзандларни жадал суръатлар билан ривожланаётган, замон талабларига жавоб берадиган инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ қиладиган кадрлар этиб тарбиялашга эҳтиёж кучаймоқда.

Рисолада Аллоҳ таолонинг каломи Қуръони карим ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг суннатларини ҳаётларига татбиқ қилиб яшаган аждодларимиз томонидан айтилган пурҳикмат насиҳатлардан ҳам намуналар келтирдик. Хатога йўл қўйган бўлсак, кечириб, Аллоҳ таолодан ҳақимизга дуо қилишингиздан умидвормиз.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Абу Лайс Самарқандий. «Танбеҳул ғофилин». Мовароуннаҳр, Тошкент – 2007. Таржимон – Дилмурод Қўшоқов.

Абдусамад Ҳасанов. “Ахлоқ гулистони ва одоб бўстони”. Наврўз, Тошкент – 2016.

Ботирбек Ҳасан. “Рисолайи Азиза” (Саботул ожизин шарҳи). Абдулла Қодирий, Тошкент – 2000.

Саййид Ҳабибуллоҳ ибн Саййид Яҳёхон. “Ҳидоятут толибин шарҳи Саботул ожизин”. Тошкент ислом университети, Тошкент – 2009. Нашрга тайёрловчи Озодбек Алимов.

Раҳматуллоҳ Сайфуддинов. “Ҳалол касб – фаровонлик омили”. Мовароуннаҳр. Тошкент – 2013.

Зокиржон Шарипов. “Тарбияда диний қадриятлар”. Мовароуннаҳр, Тошкент – 2011.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Ижтимоий одоблар”. Ҳилол–нашр, Тошкент – 2012.

Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Тошкент ислом университети, Тошкент – 2007.

Имом Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. Қомуслар бош таҳририяти, Тошкент – 1995.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Касб ва ризқ	5
Касб қилишда инсонларнинг мартабалари	11
Пайғамбарлар биз учун ўрнак	18
Ҳалол касб – барака омили	19
Ҳалол луқма ибодат асоси	21
Ҳалол касб ҳақида дурдона ҳикматлар	31
Аждодлардан бир нақл	32
Танбаллик ва тамагирлик исломга зид иллат	41
Фарзандларга насиҳатлар	44
Кўп ётган – оз яшайди	45
Мўмин боқиманда бўлмайди	47
Меҳнат – роҳат, фароғат	48
Тамагирлик – иллат	49
Ҳунарли йигит – мевали дарахт	54
Мўминнинг дунёси ҳам дин	56
Касб-ҳунар ҳақида дин ҳукмларини ўрганиш	58
Баракасиликнинг сабаби нима?	59
Ишни пухта бажариш	62
Касбга муҳаббат	63
Хулоса	65
Фойдаланилган адабиётлар	66

Диний-маърифий нашр

Обиджон МИРҲАМИДОВ

***Ҳалол касб-ҳунар –
қут-барака келтирар***

Муҳаррирлар: Абдужалил ХЎЖАМОВ,
Баҳриддин ПАРПИЕВ

Бадий муҳаррир Ҳилола АБДУҒАНИ қизи

Саҳифаловчи Наргиза МИРЗАЛИЕВА

Мусаҳҳиҳа Нилуфар АБЛАЕВА

Нашриёт лицензия рақами: АІ 146. 2009.14.08.

Босишга 2018 йил 10 сентябрда рухсат этилди.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84 x 108 ¹/₃₂.

Ҳарф гарнитураси РТ Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 3,5. Шартли б. т.: 2,1. Адади: 2000 нусха.

_____ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Monaqounnah” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100069, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: *m-nashr@mail.ru*

Тел: (0-371) 227-34-30

“Print Line Group” ХК босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри Бунёдкор кўчаси 44-уй.